

**Ўзбекистон Республикаси
«PARRANDASANOAT» уюшмаси**



**ТУЯҚУШЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ БҮЙИЧА
ТАВСИЯЛАР**

Тошкент
«Muharrir» нашриёти
2012

УДК: 598.51

КБК 46.8

Т94

Паррандасаноат

T94 Түяқушларин парваришилари бўйича тавсиялар/
тузувчилар: А.Т.Исабаев, Ҳ.И.Нормухамедов; Ўзбекистон Республикаси “PARRANDASANOAT” уюшмаси. –
Т.: «Muхаррир nashriyoti», 2012, 144 б.

ISBN 978-9943-25-114-4

Брошиорада түяқушларнинг тарихи, турлари, биологияси, табиатдаги ҳаёти, түяқуичилик фермасини ташкил этиши, түяқуичилик усуллари, парвариши қўшишдаги хусусиятилари, боқини услубига, мавсумларга ва ёшига қараб озиқлантиришининг фарқлари, тухумини табиий бостириши ва сунъни инкубация қилиши, түяқчи жўжаларини парваришилани, касалтиклари тўғрисида, гўсти, териси, патлари ва бошқа маҳсулотлари хақида маълумотлар берилган.


Уибу тавсиялар түяқуши боқинини мақсад қўйган кене оммага мўлжалашсанган.

УДК: 598.51

КБК 46.8

№ 41623
Ogi

Мазкур тавсия Ўзбекистон Республикаси “Паррандасаноат” уюшмаси раиси А.Т.Исабаев раҳбарлигидан “Инграб чиқаришни модернизациялантиштириш, наслочлик ва ветеринария инчарини ривожлантириш бошқармаси” бўнишени Ҳ.И.Нормухамедов томонидан тузичган.



ISBN 978-9943-25-114-4

© А.Т.Исабаев, Ҳ.И. Нормухамедов,
«Muхаррир» нашриёти,
Тошкент, 2012

К И Р И Ш

Фермер хўжаликни юритишда нима учун түяқушчилик соҳаси ҳамма соҳалардан кўра кўп фойда келтирадиган ва келажаги бор йўналиш хисобланади? Гап шундаки, маҳсулотларининг сифати барча қишлоқ хўжалик паррандалари маҳсулотларидан бир неча баробар юкори туради. Ҳар бир түяқуш сўйилганда 1 центнергача (100 кг) жуда кам микдорда холестерини мавжуд бўлган тансик (деликатес) гўшт, 2 кг. атрофида кимматбаҳо патлар ва 2 m^2 енгил саноатда катта талабга эга бўлган сифатли тери беради.

Хозирги вактда түяқушчилик соҳаси ривожланиб, оммабоп бўлаётганига қарамай, мўътадил иклим шароитида ҳам түяқушчилик ривожланаётган бўлгани билан бутун дунё бўйича түяқушчилик фермаси маҳсулотларига нархлар анча баланд бўлиб келмоқда. Яқкол бир мисол тариқасида түяқушчиликни бошка чорвачилик соҳа йўналишларидан афзаликларини кўриб чиқамиз. Фермада корамолчиликни ривожлантирадиган бўлсан, ҳар бир бош сигирдан бир йилда бир бош бузок олиш мумкин. Сигирни кочириб, ундан фойда олгунга қадар 2 – 3 йилга якин вакт ўтади, чунки бузокни сўйишдан олдин маълум тирик вазнга эга бўлиши учун бўрдокига бокилиши керак бўлади. Бузок сўйиш кондициясига этиш учун тирик вазни 250 кг.ни ташкил этиши керак. Бундан ташкари, ундан олинадиган тахминан $2,5 \text{ m}^2$ терини ҳам хисобга олиш керак. Булар ҳаммаси холос.

Энди сигир ўрнида түяқушнинг ургочисини кўриб чиқамиз. Бу холатда, 1 бош ургочи түяқушдан йил давомида 40 бошдан кам бўлмаган ёш түяқушларни олиш, кўпайтириш ва ўстириш мумкин, агар йил давомида кўпайиш учун шароитлар яхши яратилган бўлса, ёш түяқушлар анча кўп ҳам бўлиши мумкин, айрим холларда 2 баробар (1 йилда 80 бошгача) кўпайиш имкони бўлади. Түяқуш тухумини инкубация даври 42 кунни ташкил қиласиди, түяқуш жўжалари бўрдокига бокилганда, катта ёшдаги она түяқуш вазнига 1 йилда этиб олади. Жами 1 бош ургочи түяқушдан ҳар йили 2 тонна атрофида кимматли парҳез гўшти, 50 m^2 атрофида юкори сифатли кимматбаҳо тери ва 36 кг. ажойиб патлар олиш мумкин.

Түяқуш 40 йил давомида кўпайиш хусусиятини йўқотмаслигини инобатга олсан, бу давр ичida 1 бош ургочи түяқушдан 70 тонна парҳез гўшти, $2 \text{ минг } \text{m}^2$ тери ва тахминан $1,5 \text{ минг кг}$ түяқуш патларини олишимиз мумкин.

Ундан ташкари түяқуш тирик вазнига нисбатан гўшт чиқиш хажми, сигир ёки бошка қишлоқ хўжалик ҳайвонларига нисбатан анча юкори.

Шундай қилиб, түяқушчилик соҳаси бошка барча чорвачилик соҳаларидан афзалиги шак-шубҳасиз, ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бокиш учун кетган сарф-харажатлар факат терини сотишдан тушган даромад хисобига коплаб кетади, колган бошка маҳсулотлари тоза фойда хисобланади.

Ушбу тавсияларни тайёрлашда интернет маълумотларидан фойдаланилди.

Түяқушлар – Struthionidae

Түяқуш ташки күриниши



Түяқушлар бекорга тур номини “*camelus*” деб олмаган, лотин тилидаги ушбу сўз “түя” деган маънони билдиради. Ҳакикатда ҳам бу учмайдиган күшлар бўйни узун, дароз түяларни эслатади. Ташки күриниши замонавий күшлардан фарқли ўлароқ улкан гафаси, узун бўйни, бўртиб чиккан кўзлари, майин узун киприклар билан холицияланган кўзлари афтига дўлвар (содда) ва ҳайратланаётган қиёфа күринишини беради. Түяқушлар ҳам түяларга ўхшаб чўлу саҳроларда хаёт кечиради ва уларга ўхшаб бепоён ҳосилсиз ерларда озука кидириб катта масофаларни босиб ўтишига кодир.

Етук ёшдаги күшлар баландлиги 230-270 см гача етади. Шу билан бирга эркагини тирик вазни 150-175 кг гача, ургочилариники озгина енгилрок – 120-130 кг гача бўлади. Тузилиши деярли юмалок, кесимида диаметри 5 см бўлган кўзи, танасига нисбатан унчалик катта бўлмаган бошининг учдан бир кисмини эгаллайди. Кўз соккасини чангдан асрайдиган учинич ковоғидан ташқари, яна калин пат парлари билан копланган ва узун киприкларни эслатувчи юкори ва пастки кўз ковоклари билан таъминланган.

Бошининг икки ёнида олдинга йўналтирилган катта кўзлари ва узун букулувчан бўйни мавжудлиги ўз вактида якинлашаётган хавфни олдини олиш учун атрофни кўздан кечириб туриш муаммо түғдирмайди. Түяқушлар кўзининг ўткирлиги анча узоқдаги объекtnи аник кўриш имконини беради. Уларнинг ушбу фазилатларидан атрофларида ўтлаб юрган бошка хайвонлар ҳам фойдаланишади, кайсики хавф тугилса ҳайвонлар ҳам олдиндан хабардор бўладилар. Бошининг юкори кисми текис ва пат-парлардан холи (такир). Кулоклари тешик кўринишида, ёпиладиган клапанлари мавжуд ва бошининг орка кисмida жойлашган. Бурун коваги тумшугининг устида жойлашган, устини табиий озукани ва сувни топишга ёрдам берадиган сезги мембраналар ёпиб туради.


Түякушнинг бўйни жуда узун ва ингичка, у кўкрак суягига бириккан ва пластинка шаклидаги 19 дона бўйин умурткасидан иборат. Кенг ясси кўкрак суяги ички органларини турли зарбалардан саклайди. Түякушлар килсиз кушлар туркимига кириши сабабли, уларда киль (кўкрак суяги) бўлмайди.



Түякушнинг оёклари ҳам бўйнига ўхшаб узун ва ингичка бўлади. Оёк мушаклари болдири ва сон суякларига бриклирлган. Сон ва болдиirlари патпарлар билан копланмаган, тери копламаси мавжуд холос. Бармоқлари бакувват ва парда билан таъминланганлиги учун улкан гавдасини бемалол ушлаб туради.

Африка түякуши ҳар бир оёғида бир жуфт бармоқлари бор, Эмуда учта, Нандуда эса – тўртта. Факат түякушда барча қанотлилар орасида эволюция учинчи ва тўртинчли бармоқларини колдирган. Тўртинчли бармоқни яхши ривожланганини алоҳида таъкидлаш жоиз, тагидан таранг катта кадоги мавжуд бўлиб, устида бакувват етти сантиметрлик тирноги бор. Учинчи бармоғи тўртинчисидан ўлчами бўйича анча фарқланади ва факат мувозанатни саклаб туриш учун хизмат килади. Бармоқлари орасида таранг парда мавжуд.

Түякушлар кафтининг мана шундай тузилиши туфайли бир лахзада бурилиши ва жуда тез ҳаракатлана олиши мумкин. Лекин югуришда жуда яхши ривожланган оёқ, тос, думғази ва бел мушаклари ҳам анча ахамиятга эга. Түякушлар – аъло даражадаги югурувчилар. Паррандани узун кучли оёклари бир кадамида 8 метр масофани ўтиш ва тезликни 80 км/соатигача ривожлантириш имконига эга. Албатта түякушлар ҳар доим ҳам югуриб ҳаракатланмайдилар. Одатда улар 3 км/соатига тезликда ҳаракатланадилар. Қанотлари жуда кичкина, аммо чиройлиги бўйича ажойиб, кишини хайрон колдирадиган калин патлар билан копланган. Лекин шундай кичкина қанотларидан ҳам мувозанатни ушлаш ёки химояланишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташкари эркак түякушлар урчиш мавсумида никоҳ ўйинида чиройли қанотларини намойиш этиб, кўз-кўз килади ва танлаган урғочисининг уя қуришига қанотларидан фойдаланиб ёрдам беради.



Түяқушлар хақиқатда шунчалик құрқокми? Ҳечам бундай эмас! Бу құшлар хар доим ўз манфаатини химоя килиш учун тайер туради. Түяқушларнинг ўтқир күзи ва хавфни олдиндан сезиш кобилятидан улар галаси ёнида ўтлаб юрган бошка хайвонлар хам фойдаланади. Үнда түяқушларнинг құрқоклиги тұғрисидаги фикр қаердан пайдо бўлди? Гап шундаки, хавф туғилганда түяқуш кочиб кетиб кутулади. Нима учун кочмас экан, чунки у жуда яхши чопқир бўлгани учун хам бу яхши вариант. Лекин бирор бир сабаб билан кочиб кетишнинг иложиси бўлмаса, дарғазаб бўлиб, шиддат билан хужумга ўтади, шунда йиртқичларга сичконнинг ини минг танга бўлиб кетади. Қирғин келтирувчи тирноклар билан куролланган бақувват оёклари олдida тумшуги кучли курол хисобланмайди. Түяқуш оёклари ёрдамида бир тепганда катта ёшдаги шерни ўлдириши мумкин.

Түяқушлар бошини қумга тикиб беркитади, - деб таркалган фикрга карши, улар кўркканидан хеч качон бошини қумга тикиб яширмайди. Бу афсона эрамизнинг 23 – 79 йиллари яшаб ўтган Плинния Каттани ёзиб колдирган “түяқушлар кўркиб кетгандаридан факт бошлари ва бўйинларини буталар орасига яширади ва мени хеч ким кўрмаяпти деб ўйлади” деган сўзлари асосида нотўғри тушунча пайдо бўлган.

Түяқушлар кўркиб кетгандаридан эмас, шунчаки паразитлар жонига тегиб кетганидан бошини беркитади. Одатда қумда чўмилгандан кейин бошини қумга тикиб туради. Бошини қизиб ётган қумга тикиб, кўзини юмиб маълум вакт кутиб туради. Буни у шунинг учун қиласуки, патлари тагидаги паразитлар қизиб ётган қумда ўлиб кетиши ёки бошидан кочиб кетиши учун қиласуки. Кейин ўзи хам иссикқа бардош бера олмай бошини тортиб олади ва силкитиб қоқиб ташлайди. Шундан кейин түяқуш кўкраги билан қумга ётиб, уни канотлари билан уради. Түяқушлар патлари орасидаги паразитлардан халос бўлиш учун қумда чўмилади.

Түяқушларнинг нафакат патлари узок ўтмишда Мисрда жуда машхур бўлган. Миср аслзода задогонлари ўртасида пойгачи отлар ўрнига чопқир

туяқушларнинг устига ўтириб пойгада катнашиш мода бўлган. Албатта бундай пойгаларда аслзода аёллар, улар билан бирга хукмдорнинг рафикалари хам катнашганлар.

Хозирги вақтда Африкада тяқушлар овчарка (кўрикловчи итлар) вазифасини бажаради. Ҳа, ҳудди шундай: тяқушлардан чўпонларнинг майда шохли молларини яйловларда кўриклашда фойдаланилади. Агар подадаги кўйни килиб бирор бир йирткич емокчи бўлган бўлса ва подачи тяқушнинг савлатли киёфасидан кўркмаса, у сурбетни катта тезликда орқасидан кувиб хайдаб юборади. Агар саваннада кувиш хам йирткични кеткиза олмаса, унда тяқуш куч ишламишга ўтади. Чунки бақувват оёклари билан бир тепганда инсонни хам ўлдириши мумкин.

Кадимги мисрликлар каби африкаликлар хам тяқушлардан миниладиган ёки ар мага кўшиладиган хайвон сифатида фойдаланади. Саваннада яшовчи инсонлар, саванни шароитида чидамлилиги ва харакатланиш тезлиги бўйича тяқушлар отлардан ўтиб кетиши сабабли тяқушларни отлардан афзал кўришади.

Австралия давлатининг герби (тамға) да кенгуру ва эму (Австралия тяқуши) ифодаланган. Ушбу холатда тяқуш прогресс, тараққиёт, ривожланиш, юксалиш рамзи хисобланади. Нима учун? Гап шундаки кенгуру ва тяқушларда оркага харакатланиш қобилияти йўқ. Айнан шунинг учун австралияликлар уларни факат олдинга харакатланиш рамзи этиб танлаганлар.

Тяқуш турлари

Зоология системаси бўйича тяқушлар югурувчилар кенжা отрядига киради, яна яссикўраклилар ёки килсизлилар деб хам аталади. Тяқушсимонлар отрядига ёлғиз тури – африка тяқуши киради.

Африка тяқуши

Африка тяқуши (лот. *Struthio camelus*) – учмайдиган күш ва тяқушлилар оиласининг бирдан – бир вакили. Лотин тилидаги илмий номининг таржимаси “чумчук – тя” номини англатади.

Африка тяқушининг кенжা тури: мали (берберия) – Шимолий Африка, массай – Шаркий Африка, сомали – Эфиопия, Кения ва Сомали давлатларида яшайди. Бизнинг замонимизгача яна 2 та кенжা тури: Жанубий Африка ва Араб турлари бўлган, хозирги вақтда тўлиқ йўқ бўлиб кетган.

Африка тяқушининг 3 тури – кора, пушти ва ҳаво ранглари кўп таркалган. Кора рангдаги тяқушлар мали тяқушларини Жанубий Африка тяқушлари билан чатиштириш орқали келиб чиккан. Тяқушнинг бу тури кўпайтириш учун бизнинг шароитга кўпроқ тўғри келади. Кўлга тез ва осон ўрганади.



Бүгүн ана шу түри дүнёning күп даеклатларида нарварии қылымноқда

Бүйни пушти рангли түяқушлар мали ва масай кенжә турларига киради. Бу жуда йирик қушлар бўлиб, мушаклари жуда яхши ривожланган, лекин маҳсулдорлиги паст ва қўлга жуда ёмон ўрганади.

Бўйни хаво рангли түяқушлар сомали ва жанубий африка кенжә турларини ўз ичига олади. Маҳсулдорлик параметрлари юкоридаги икки кенжә турларининг ўртачаси хисобланади. Улар яхши кўпайиш қобилиятлари билан ажralиб туради, лекин сайр майдонидаги тўсикларни баланд ўрнатиш керак бўлади. Бу түяқушлар инсонга кўпроқ ишонади.

Нанду

Нандусимонлар отряди нанду наслига киради, улар Жанубий Америкада учрайди. У икки турга – шимол нандуси ва узун тумшукли ёки дарвин нандуларига бўлинади.

Шимол нандуси (яна “катта нанду” деб хам аташади) баландлиги 150 – 170 см ва оғирлиги 25 – 50 кг.ни ташкил киласади. Бу тур Амазонка бассейнidan Аржентинанинг Рио – Негро дарёсигача тарқалган.

Дарвин нандуси шимол нандусига нисбатан майдароқ бўлиб, Анд Боливия текис тоғларидан Жанубий Перугача, яна Жанубий Аржентина текисликларида тарқалган.



Нанду түяқуши

Эму

Учинчи отряд – казуаросимонлар. Уларнинг яшаш жойи – Шимолий Австралия ва Янги Гвинея. Бу отрядга иккита оила киради: казуарлар (оддий казуар ва казуар мурука турлари) ва эму (бирдан – бир тури).



Эму түяқуши


Казуарлар Янги Гвинея оролида ва яқин бошқа оролларда учрайди. Казуарлар баландлиги 150 – 170 см ва оғирлиги 85 кг.ни ташкил этади. Ургочилари эркагидан баландрок бўлади. Эму, Австралия ва Тасмания оролларида учрайди. Баландлиги 180 см ва оғирлиги 55 кг.ни ташкил этади.

Түяқушларга яна ягона тур бўлган “Киви” кенжа отряди киради. Киви Янги Зеландияда таркалган. Бу күш анча кичик бўлиб, баландлиги 30 – 40 см, оғирлиги 1 – 4 кг.ни ташкил килади, оёғида 4 та бармоғи мавжуд.

Фермер хўжалигига кўпайтириш учун түяқушлар ичиди энг йириги бўлган Африка түяқуши кўпроқ бокилади. Австралия эмуси ва оддий (дубулғасимон) казуарлар камдан – кам бокилади.

Түяқушлар экстремал шароитларни енгил ўтказади. Адаптацион кобилиятлари жуда юкори. Даигту биёбонда Африка түяқуши +56 градусгача хароратни бемалол кўтаради. Европа ва Россиядаги фермер хўжаликларининг тажрибасидан келиб чишиб, түяқушлар 15-16 градус совукда ҳам ўзларини яхши хис килиб, ташкарида бемалол сайд килиб юради.

Түяқуши фермаси



Түяқуши бокини усууллари

Түяқушчиликни ривожлантириш усули – интенсив, ярим интенсив ва экстенсив услубда бўлади. Бу усуулларнинг хусусиятлари, афзал томонлари ва камчиликларини кўриб чиқамиз.

Интенсив парвариш қилиш услуби – фермер томонидан түяқушлар устидан тўлик назорат олиб бориш. Корамолни парвариш қилишда бундай усулни оғилхона ёки молхонадаги ҳар бир алоҳида бўлмада (катақда) бокиш (стойло) дейилади.

Экстенсив парвариши қиттиш услуги – тескариси, түякушларга максимал даражада табиий шароитта якин шароит яратыб бериш.

Ярим интенсив парвариши қиттиш услуги – юкорида күрсатилған иккى услугубни ўзига жам килади.

Бу ерда аник бир услугубни устун күйіб, түякушчиликда мана шуниси юкори натижка беради деб айтиш жуда мушкул, лекин олдіндін парвариши килиш услугуга аниклик киритиб олиш керак. Фермерларнинг бир қисми факт экстенсив услугуда түякушларни парвриш килади ва уларни натижалар кониқтириади. Бунда паррандаларни кичик гурухларда бокиши учун кенг яйловлар керак бўлади. Түякушларни эркин боқишида ўнта эркагига 25 бош ургочиси хисобидан кўйилганда юкори самара беради. Эркакларининг бир бирига мос келишига катта ахамият беринг керак бўлади. Экстенсив услугуда парвариши килинганда эркак түякушлар ўзлари назорат килаётган маълум худудни ракибидан табиатдагидан кам бўлмаган тажовузкорлик билан химоя килади. Лекин уларнинг тажовузкорлиги бошка эркак түякушларга нисбатан каратилган, инсонга нисбатан ўзини холис ва тўғри тутади. Ургочилари бутун яйлов худуди бўйича бемалол харакатланаверишиади. Уларда битта эмас, бир нечта эркак түякушлар билан жуфтлашиш имкони бўлади ва бундан урчтилган тухум сони кўпайиши кузатилади.

Бирок дунё бўйича фермерларнинг кўпчилиги түякушчиликда интенсив ёки ярим интенсив услугуда ишлашни афзал кўришиади. Интенсив услугуб битта эркак түякушига иккита ургочиси тўғри келиши билан изоҳланади. Лекин мавсумнинг ўрталарида эркак түякушни алмаштириш керак бўлади. Кимнинг түякушчиликда тажрибаси бўлмаса ва энди шуғулланишини бошлаётган бўлса, ярим интенсив услугуда парвариши килиш тавсия этилади. Түякушларни жуфт жуфт сотиб олиш керак бўлади, бир эркакка бир ургочи хисобидан. Айни шундай ўзаро нисбатэнг мақбул натижани таъминлайди. Унча катта бўлмаган худудда бир эркак түякушга иккى ёки ундан кўп ургочи түякушлар тўғри келса унда маҳсулдорлик сезиларли даражада пасаяди.

Түякушларни сотиб олиш

Агар сиз түякушчилик билан шуғулланишини максад килган бўлсангиз, жиддий парвариши килишни талаб этадиган түякуш жўжаларини сотиб олиш шарт эмас. Катта ёшдаги түякушларни жуфти билан сотиб олиш хам мумкин. Энг кераклиги питомник ишончли бўлиши керак. Йирик түякушчилик хўжаликларида нафакат санитария меъёрларига риоя килинади, балки маҳаллий шароитта мослаштириш, мослашиш сифатларини, кўпайтириш шароитларини хисобга олган холда ва келажакда парвариши килиш учун селекция ишлари хам олиб борилади.

Түякуш сотиб олинаётганда нимага ахамият бериш керак? Биринчидан, хар бир түякушда якин кариндошлиқ чатишиши бўлмаслиги учун келиб чикишини аниклаш керак. Иккинчидан, диккат билан ташки кўриниши кўриб чикилади. Тана тузилиши мутаносиб, характеристлари енгил, бўйни эгилувчан, оёклари бақувват бўлиши керак. Кўкрак кафасида озгина ёғ йигилиш холатлари бўлиши мумкин, лекин корин қисми ичига тортилган бўлиши керак.

Түяқуш күзини хам күрікдан ўтказиш керак – улар зинхор хира бўлиши мумкин эмас, кўздан бирор суюклиқ ажралиб чикмаслиги керак. Соғлом күшнинг тумшуғи силлик бўлади, эркак түяқушларнинг тумшуғи жинсий фаоллик мавсумида қизил рангда бўлади, бу меъёрда ҳисобланади. Түяқушларнинг патлари ялтироқ, қалин ва зич жойлашган бўлиши керак. Соғлом түяқушларнинг қанотлари симметрик ҳолатда бўлади. Оёклари хам шундай. Бундан ташкари оёклари кийшайган бўлиши керакмас. Агар бармоғининг орка бўгими ерга тегаётган бўлса, унда бу дефект ҳисобланади, одатда бундай бўлмайди. Юриши енгил ва текис бўлиши керак, юкини у томондан бу томонга ташлаб юриши керак эмас.

Түяқушлар одатда харакатчан ва киришимли бўлади. Соғлом күш яхши иштахаси билан ажралиб туради, атроф-мухит ўзгаришига кизикиш билдиради, доим кизикиш уйғотади ва ташки кўринишига эътибор бериб, патларини тозалашга кўп вакт ажратади.

Түяқушчилик фермасини ташкил этиш



Агар сиз түяқуш фермасини ташкил этишни карор килган бўлсангиз, дастлаб қайси йўналиш бўйича фаолият кўрсатишини аниклаб олишингиз керак бўлади. Хўжаликни ихтисослаштириш турли бўлиши мумкин: полапонларни очириб чиқариш учун тухумни инкубация килиш, түяқушларни гўштга бокиши, наслли түяқушларни кўпайтириш, парранда зотини яхшилаш учун селекция ишларини олиб бориши. Түяқушчиликла хар бир йўналишнинг ўз плюс ва минуслари бор.

Энг кўп таркалган йўналиш – полапонларни очириб чиқариш максадида тухумни сотиб олиш ва инкубация килиш – кам харажатли йўналиш, лекин сарф-харажатни жуда секин коплайди (вакт кўп талаб этилади). Агар сиз шу йўл билан кетсангиз, билинки фойда олиш учун 2 йил керак бўлади. Бундан ташкари урчитилган тухумнинг нархи, янги очиб чиқкан түяқуш палопонининг нархидан кам бўлмайди ва халкаро бозорда бир неча юз АҚШ доллари атрофида бўлади.

Түяқушчилик фермасини барпо этишнинг энг киммат, шу билан бирга энг оддий усули бу кўпайишга тайёр катта ёшдаги түяқушларни сотиб олиш. Одатда бир жуфт ота-она түяқушлар 2 минг АҚШ долларидан кам турмайди.

Катта ёшдаги түякүшларни сотиб олишда яхшиси 1 баш эркак түякүшга 2 баш урғочиси сотиб олинса максадга мувофик бўлади. Хўжаликда ўнлар атрофидаги эркак түякүшларга нисбатан 2 баробар урғочи түякүшлар мавжуд бўлса, түякүшларнинг бир йиллик ўсиш сони 500 бошдан кўп бўлади.

Фермерлар орасида ярим йиллик ёш түякүшларни сотиб олиш усули машхур эмас. Бу ёшдаги түякүшлар арzon турмайди ва ушбу категорияли ёшдаги түякүшларни парваришлаш мураккаблиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга бундай ёшдаги түякүшларни гўштга сотиш дунё бўйича энг даромадли хисобланади. Шунинг учун янги бошлаётган фермер бу усулдан кочиб, катта ёшдаги ота – она түякүшларни ёки урчитилган тухумларни сотиб олиши тавсия этилади.



Фермерлик хўжалигини ташкил этишда түякүшларни сотиб олишдан ташкири бошка харажатлар хам бўлади. Хусусан керакли бўлган бинолар тизимини куриш, иситиш ускуналари, озуқа ва бошқалар. Кейинчалик янги ўрилган ўсимлик озукаси, парранда учун яйловлар бўлиши керак.

Кейинги сатрларда түякүшчилик фермасининг тузилиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Түякүшларни парваришлаш учун паррандахона

Мўътадил иқлим шароитида түякүшларни парваришлашда иссик паррандахона бўлиши кўзда тутилади. Паррандахонани куришда ёғоч, ғишт, пахса ёки бетон – блоклардан фойдаланиш мумкин. Паррандахонанинг ўлчамига келсак, ҳар бир катта ёшдаги парранда учун 10 м^2 майдондан кам бўлиши мумкин эмас. Xона шифтининг баландлиги етарлиги даражада бўлиши керак, катта ёшдаги түякүш бошини жароҳатламаслиги учун тепасида яна 1 метрдан кам бўлмаган бўш масофа бўлиши керак.



Түякушлар парваришиланаётган хонада албатта табийи ёргулук бўлиши лозим. Бунинг учун етарли миқдорда деразалар бўлиши керак, тахминан ҳар 10 метр умумий майдонга 1 метр дераза туйнуги бўлиши керак. Паррандахонага бевосита сайд майдони туташган бўлиши керак. Уялаш даврида түякуш оиласи ўз секциясида бошқалардан ажралиб алоҳида қолиши учун тўсиклар ўрнатилиди. Хонада емдонлар албатта бўлиши керак, чунки түякушларга зинхор озукани ерга солиб бериб бўлмайди. Бундан ташкари емдонларни тўғридан тўғри ерга ҳам кўйиб бўлмайди, уларни баландрок жойлаштириш зарур бўлади. Айниқса бетон емдонларни ерга ўрнатиш тавсия этилмайди, чунки озука тарқатиш вактида түякушлар бирданига емдонга ташланишиб жароҳатланиши мумкин. Шу билан бирга металл емдонларни кўйиш ҳам тавсия этилмайди, айниқса четлари текис бўлмаса. Биринчидан, бундай идишлар ўзларидан заҳарли моддалар ажратиб чикаради ва яна занглайди, иккинчидан, металлнинг ўткир киррасида кушлар жиддий шикастланишлари мумкин.



Одатан фермерлар осма қурилмалардан фойдаланишади, баландлиги ердан 1 – 2 метр юкориликда ўрнатилиди. Махаллий услуг сифатида иккига бўлинган автомобил покришкаларидан емдон сифатида фойдаланилса бўлади, ичига тушган сув оқиб кетиши учун кичик тешиклар тешиб кўйилади. Аркон ёки симлар ердамида осиб кўйилади.

Тұяқушлар учун саир майдони



Тұяқушлар саир майдончасыда саир килишидан ташкари яна озикланинни ҳам кераклиги түгрисида ёддан чикармаслик керак. Ушбу экзотик күшлар үтлөгини табиий яшаш шароитта яқинлаштириш учун түсилган саир майдони ичидә үтлок жойларни тошлоп жойлар билан арапаш келиши улар учун эң мақбул табиий жой хисобланади. Бундан ташкари тұяқушлар сувда шапиллатиб чўмилишни хуш кўради. шунинг учун саир майдонида катта бўлмаган сув хавзаси ёки сунъий равишда сувпуркагич, сувсачраткич ўрнатиш максадга мувофик бўлади.

Агар катта ёшдаги тұяқушлар кўп миқдорда, яъни юз бошгача бўлса, саир майдони учун уларнинг 8 бошига 1 гектар ер майдони хисобидан ажратиласди. Саир майдони ҳамма томондан түсилган бўлиши керак. Саир майдонига тўсик сифатида фундаментга ўрнатилган ходага котирилган металл сетка ўрнатиш кулагай бўлади. Факат металл сетка ячейкаси йирик бўлмаслиги керак, акс ҳолда күшлар бошини ичига тикиб шикастланиши, айрим холларда нобуд бўлиши ҳам мумкин.

Тўсикларни қуришда фундаментсиз, ходаларни ерга кўмиб ҳам курса бўлади, лекин ҳар хил ёввойи ёки уй йирткич хайвонларини (тулки, чиябўри, ит ва бошқалар) саир майдонига кириш эктимоли кучаяди. Улар күшларга ҳамма кипишимаса ҳам күшларни каттик кўркитиб юбориши мумкин. Тұяқушлар жуда сезгир бўлишади. шунинг учун уларни стресслардан саклаш керак бўлади. Тўсиклардан күшлар сакраб ўтиб кетмаслиги учун етарли даражада баланд қуриш керак бўлади. Унинг баландлиги 2 метрдан кам бўлмаслиги, хатто ундан ҳам юкори килиб ўрнатиш тавсия этилади. Мўътадил икlim шароитида тұяқушларга совукдан кўра намлик, зах об – ҳаво кўпроқ зиён етказади. Агар сизнинг яшаш худудингизда тез – тез ёғингарчилик бўлиб турадиган бўлса, унда албатта шипон ёки соябон қуриш тавсия этилади, масалан девор ёки тўсик бўйлаб қуриш мумкин. Саир майдонида емдонларни шийпонлар тагига кўйилса, ёғингарчилик вактида емдондаги озука ҳўлланиб колмайди. Күшлар ҳам қуруқ жойда яхши озикланишиади.

Сайр майдони тўғрида-тўғри оғилхона (катақ, бўлма) га туташган булиши керак. Ҳар бир оғилхонадан сайр майдонига алоҳида чикиш йўли булиши керак. Сайр майдони худуди 1 бош тұяқш үчун ёшига қараб 10 м^2 дан 250 м^2 гача ажратилади.

Сайр мадонини ўрашда, девор тўсик ўрнатишда бир-бирини инкор этувчи икки факторга эътибор бериш керак: сайр майдони узунлиги ва уни куриш нархи. Сайр майдони тўғри бурчакли шаклда булиши ва томонларини ўзаро нисбати $1 : 5$ дан $1 : 10$ гача булиши керак. Томонлари тенг тўғри туртбурчак (квадрат) шаклида бўлса, уни куриш үчун материал кам сарф бўлади, шунинг үчун анча арzon тушади, лекин майдон томонларининг ўзаро нисбати кониқтирумайди.

Саноат ёки тижорат максадида тұяқшларни парвариш қилишда 1 жуфт тұяқш үчун $1,5 - 1,6$ гектар ер майдони ажратиш керак бўлади, бундан ташкари пайдо бўладиган наслини ҳам ҳисобга олиш керак. Тұяқшлар иклим шароитларига енгил мослашадилар, тұяқшчилликни хосилсиз бўш ерларда, экин экишга яроқсиз ерларда ҳам катта муваффақиятлар билан ривожлантириш мумкин.

Тұяқшларни парваришлашнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Тутқунликда бокилаётган құш нигоҳига иложи борича бегона шахслар тушмаслиги керак. Айникса бу хизмат кўрсатувчи ходимга тааллукли, у албатта доимий булиши керак. Бундан ташкари доимий формали иш кийимини ҳам жорий этиш керак, хизмат кўрсатувчи ходимнинг ташки кўринишида озгина ўзгариш бўлса ҳам тұяқшлар эгаларини танимай колиши ва уни бегона сифатида қабул қилиши мумкин. Бундай ҳолатлар уларни стресс ҳолатига туширади ва тажовузкорликка ундейди. Стресслар тұяқшлар ҳолатига негатив таъсир этади, айникса кўпайиш (урчиш) мавсумидан олдин сайр майдонида парваришлаш шароитига ўргатиш (мослаштириш) катта аҳамиятга эга. Тұяқшларда дискомфортилик хиссини ўйготмаслик үчун тахминан бир ой олдин құшларни жойини ўзгартиришни тұхтатадилар. Бевосита жуфтлашиш ва тухум кўйиш даврида бокиши шароитига ҳар қандай ўзгартириш киритиш катъян мумкин эмас. Акс ҳолда урғочиси тухум кўйиши тұхтатиб кўйиши мумкин.

Паррандахонада хизмат кўрсатаётган ходим кескин ҳаракат килмай, ўзини осойишига, хотиржам ва бамайлихотир тутиб ўз ишини бажариши керак. Құшларни кўрқитиб юбормаслик үчун аста ҳаракатланиши лозим. Насл очиб чиқариш даврида тухумни кўриқлаётган эркак тұяқш ҳар доим хушёр бўлиб, сергак туришини эсдан чиқариш керак эмас, акс ҳолда фермернинг ҳар қандай ҳаракатларини нотуғри тушуниб, тажовузкорлик (хужум) қилиши мумкин. Нафакат кўпайиш даврида, балки ҳар қандай вактда ҳам тұяқшларни стресс ҳолатига туширмасликка ҳаракат қилиш керак. Бу гала бўлиб яшовчи құш, агар галадаги бирор құш чўчиб кетса ва югуриб кочишини бошласа, унинг орқасидан қолганлари ҳам югуришини бошлайди. Хонада ёки кичик сайр майдончасида тұяқшлар саросимага тушиб қолса, окибатда құшлар жиддий жароҳат олишлари мумкин. Агар саросима

оммавий бўлмаса, унда саросимага тушган күшнинг бошига капюшон кийдириб тинчлантириш мумкин.

Гала ичида тўқнашув чиқмаслиги учун хар бир күш ўз худудида ичимлик сув манбанини топа олиши керак. Сайр майдонларида хар доим озодаликка риоя килиниши керак. Айникса бегона нарсани, масалан қушлар михни озукага кўшиб ютиб юбормаслиги учун ётишига йўл кўймасдан ўз вактида олиб ташлаш керак. Туякушлар сим, аркон ва бошка шунга ўхшаш хавфли нарсаларни ютиб юбориб жароҳат олмасликлари учун яйловларда бегона предметлар ётиши керак эмас.



Агар ёш туякушларни транспорт воситасида ташишга тұғри келса, унда уларнинг ёшидан келиб чиқиб ҳар хил услугуб кўлланилади. 2 ойгача бўлган қушларни кўтариб ташиш мумкин. Бунда фермернинг бир кўли күшнинг устига, иккинчисини кўкрагининг тагига кўйилади. Оёқ ва қанотлари кучоқлаб олинмайди. Қушларни қанотидан ушлаб кўтариш зинхор мумкин эмас.



Еши каттарок қушларни ташиш тұғрисида ўз кеттанды, уларни кўтариб ташиб бўлмайди, лекин бир кўл

2014/1 A 36	Alisher Navoiy O'zbekiston MK
----------------	----------------------------------

иккинчи кўл билан думидан ушланади ва шу ҳолатда тужкушга йўналиш бериб бир ердан иккинчи ерга ўтказиш мумкин. Ўсмир тужкушларни икки киши бўлиб бир ердан иккинчи ерга ўтказиш яна ҳам осонрок. Олдинда кетувчи тужкушнинг тумшуғидан ва бошининг энсасидан ушлаб олади, иккинчи одам (ходим) оркадан думғазасига қўли билан босиб кушни олдинга йўналтиради.

Кушлар орасида тужкушлар алоҳида сийдик пуфаги мавжуд бўлган ягона куш хисобланади. Улар нажас ва сийдикни ташкарига алоҳида - алоҳида чикаради.

Тужкушнинг битта тухумидан товукнинг 30 дона тухумидан килинган хажмидек тухум кўймок пишириш мумкин.

Тужкуш қанотларининг ёзилгандаги узунлиги 2 метрни ташкил этади.

Тужкушларни озиқлантириш

Барчага маълумки, қишлоқ хўжалик хайвонларининг маҳсулдорлиги юкори бўлиши учун маълум микдорда озиқа моддалари ва микроэлементларга бой озиқа берилиши керак. Тужкушлар ҳам шу жиҳатдан бошка хайвонлардан фарқ кilmайди. Тирик организмнинг фаолияти учун барча керакли моддаларни бериш лозимлигини инобатта олиб, рационни тўғри тузиш учун озука таркибидаги моддалар айни кайси мутаносибликлда бўлиши шартлигини билиш керак бўлади.

Оксиллар (протеин) – ер юзидағи тирик организмларнинг асосини ташкил этади, гужуслар организми учун ҳам планетамизнинг барча тирик мавжудодлари каби зарур модда хисобланади. У дуккақли ўсимликларда катта микдорда бўлади. Тужкушларни озиқлантиришда оксил манбаи хисобида соя дуккаги, бўрилуккак (люпин) ёки сигир нўхати (ўтсимон ўсимлик) лардан фойдаланади.

Углеводлар (карбонсув) – озиқа базасининг асосий таркиби хисобланади. Айнан углеводлар организмни энергия билан таъминлайди. Бундан ташкари улар организмнинг ёт катламларида захирага тўпланиш хусусиятига зга. Фалла ўсимликлари: маккажўхори, арпа, сули, тариклар углеводларга бой бўлади.

Организмнинг тўғри фаолият юргизиши учун тужкушларга скелетининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши мақсадида яна минерал қўшимчалари зарур бўлади. Минерал моддалар кепак, тухум кобиғи ва сувяк унида кўп микдорда бўлади. Минераллар манбаи бўлиб тужкушлар учун яна кўк озиқалар ҳам хисобланади.

Ширави озиқалар витаминларга бой бўлиб, организмни иммун тизимини кучайтиради. Айниқса, қиши мавсумида витаминли моддаларни бериш жуда мухим. Чунки шу даврда тужкушларга кўк озиқа берилмайди. Ушбу даврда витаминлар манбаи бўлиб аввалом бор пичан хизмат килади.

Тутқунликда бўлган тужкушларни нафакат организмга керак бўлган, балки маҳсулдорлигини ошириш учун ҳам зарур бўлган микдорда тўйимли озиқалар билан таъминлаш керак бўлади. Бунинг учун рационнинг асосий қисми енгил ҳазм қилинадиган озиқалардан таркиб топиши керак бўлади. Озиқа таркибидаги ҳазм бўлмайдиган таркибий қисми (компонентлар)

озиканинг тўйимлиларни таъминлаб бера олмайди. Ҳатто туякуш бир кунда 5 – 7 кг озиқа истеъмол килган тақдирда хам етарли миклорда тўйимли моддалар кабул килмайди.

. Бундан ташкари озиканинг таъмига ҳам эътибор каратиш керак бўлади. Агар озиқа яхши ҳазм бўладиган бўлса, лекин таъми маззали бўлмаса уни хоҳламай истеъмол килади. Одатда ушбу муаммога ширали озикалар: ковок, шолғом, лавлаги ва шунга ўхшашлар кўшиш билан барҳам берилади.

Катта ёшдаги туякушларга бир кунда икки маҳал озиқа берилади. Худди шундай бир ёшдан катта бўлган туякушларга ҳам усулда берилади. Бир ёшгача бўлган ёш туякушларга кунига 3 – 4 маҳал озиқа берилади.

Қушнинг ёшига караб озиқа таркибидаги тўйимли моддаларнинг ўзаро нисбати катта фарқ килади. Катта ёшдаги туякушлар рациони ёш туякушлар рационидан катта фарқланади.

Туякушларга ичимлик суви ҳам кераклиги хақида эсдан чиқариш керак эмас. Гарчи катта ёшдаги туякушлар чанкоқликни енгил ўтказсалар (чидамли) ҳам ичимлик сувини катта микдорда, иштаха билан ютади. Туякушларга озикланиш вақтида ичимлик суви бериш максадга мувоғик бўлади.

Ёш туякушлар катта ёшдаги туякушларга нисбатан ичимлик сувига кўпроқ муҳтоҷ бўлишади. Туякушчаларни ҳар доим ичимлик суви ичиб туриши учун доимий ичимлик суви билан таъминлаб туриш тавсия этилади. Сувдонлар доим тозаланиб, тоза ичимлик суви билан тўлдирилиб турилиши керак. Ҳар доим ичимлик суви билан таъминлаб туриш, туякушчаларнинг каровсизлик оқибатида нобуд бўлишидан асрайди.

Туякушлар рациони



Фермада бокилаётган туякушларнинг рациони бошқа қишлоқ хўжалик қушлариникидан унча фарқ килмайди. Фермер, йўнгичка (беда) ни қишига пичан кўринишида тайёрлаши керак бўлади, ундан ташкари омухта ем, витаминли кўшимчалар ва чиғаноклардан фойдаланилади.

Йўнгичка (беда) – туйкушлар озикаси таркибий қисмининг асосини ташкил этади. Қипда күшлар пичан истеъмол килишади, иссик мавсумда эса кўк масса истеъмол килади. Бундан ташкари туйкушларга бериш учун беда уни ҳам тайёрланади. Бедага ҳар бир бош туйкушга бир кунда 1,5 кг ҳисобидан омухта ем ҳам кўшилади.

Шу билан бирга уларга яна бошқа ўсимликлар ингредиентлари керак бўлади. Улар орасида кенг тарқалғанлари: буғдой, тариқ, сули, соя дуккаги ёки унинг уни, майдаланганд маккажўхори, нўхат, буғдой кепаклари. Озиқа таркибига балик ва суюк унлари, кобигидан тозаланганд тухум, сут, сут зардоби, гидролиз ҳамиртуруши, ош тузи ва витамин – минералли комплекслар албатта кириши лозим.

Қишига тайёрланган пичан таркибига бедадан ташкари яна бошқа турли хил ўтларни ҳам кўшиш мумкин. Ҳаммадан кўра пичанга мос келадигани ўтзорда ўсадиган йўнгичка (кизил беда) ва ерга ёйилиб (ербағирлаб) ўсадиган йўнгичка (ок беда), ўтзорда ўсадиган бетага (ғалласимон ўсимлик), кўнок ўт (кўнғирбош), кўп йиллик мастак (бегона ўт) ва эспарцет (озукабоп дуккакли ўсимлик) лар ҳисобланади. Пичан унини бошокли ўтлардан, силосни маккажўхори, кунгабоқар, карам ёки турли хил ўтлардан тайёрлаш мумкин.

Қиши мавсумида туйкушлар рационига сабзвотлар кўшиш мумкин, шулардан сабзи, карам, лавлаги, хашоки шолғом, ковок, броква (шолғомсимон сабзвот) ва картошкалардир. Сабзвотларни емдонларга солишдан олдин майдалаш, картошкани эса пишилган ҳолатда бериш тавсия этилади. Озик – овқат чиқиндиларини ҳам майдаланганд ҳолатда йирик бўлмаган фракцияларда емдонларга солиб бериш мумкин.

Интенсив парвариш қилиш усулида туйкушларни озиқлантириш



Агар туйкушчилик фермасида яйловсиз бокиши ташкиллаштирилаетган бўлса, уларга майдаланганд кўк озиқа ва пичан ҳамда омухта ем концентрати керакли микдорда етказиб берилиши керак бўлади. Махсус омухта ем концентрати бир бош паррандага 1,5 кг ҳисобидан кўк озиқага арапаштириб берилади. Кўк озиқа турли ўтлардан таркиб топган бўлса максадга мувофик бўлади. Унинг таркибида турли хил ўтзорда

ўсадиган ўтлар, рапс, беда, исмалок (шпинат) ва бошқа серсув ширадор ўтли ўсимликлар бўлади. Кўк озиканинг микдорини кушлар истеъмол қилиш хажмига караб белгиланади.

Тухум бериш пасайиши даврида озиқа таркибидаги омухта ем концентрати микдорини камайтириш ёки арzon озиқа аралашмасидан фойдаланиш мумкин. Лекин тухум бериш даври бошланишидан олдин озиқа таркиби кучайтирилади ва бутун тухум бериш даврида шу даражада ушлаб туриш керак бўлади. Тухум бериш даврида ва шу даврнинг охиригача юкори даражада тўйимли озикани тўхтатмасдан доимо бериб бориш жуда муҳим, ҳатто киска муддатли озиқа камайиши хам тухум беришни тўхтатиб кўйиши мумкин. Тухум беришни ўша даражага кўтариш учун 1 ой муддат керак бўлади.

Интенсив парвариш қилиш усулида тяқуашларга хазм қилиш органлари яхши ишланиш учун йирик кум ва тош беришни унудиши керак эмас. Озиқа таркибига кўшиладиган айрим ингредиентларни ўсимлик ёғи, балик уни, бор, витамин – минералли комплекс, дикальцийфосфат, рух (цинк), бицитрат, метионинлар керакли микдорда кўшилади.

Тяқуашларнинг якуний озикланиш рациони ишлаб чиқилмаган. Ёшидан келиб чикиб тяқуашларга мувозанатлашган витамин, минерал моддалар ва керакли микдорда хом клетчатка берилиши керак.

Тяқуашлар учун энергия алмашинуви ва тўйимли моддалар нормаси

Кўрсаткичлар	Рацион турли		
	Бошлангич (стартовый)	Еш тяқуашларга	Катта ёшдаги тяқуашларга
Энергия алмашинуви, ккал/кг	2540	2430	2485
Хом протеин, %	18	19	20
Хом ёғ, %	4	4,25	4,4
Хом клетчатка, %	8	10	10
Суясизлантирилган клетчатка, %	15	15	16
Кальций, %	2	2	2,5
Фосфор, %	1	1	1
Лизин, %	1	1	1,2
Метионин, %	0,34	0,34	0,4
Цистин, %	0,3	0,3	0,3

Тяқуашлар озикаси типик ингредиенти (мураккаб бирикма ёки коришманинг таркибий кисми) куйидагилар бўлиши мумкин: майдалангандан маккаждӯхори, тарик ва бугдой, соя дуккаги шроти, соя дуккаги синиқларидан ун, бадик уни, гидролиз хамиртуриши, беда (ўт) уни, карбонат кальций, моногидрат дикальций фосфат, ош тузи, витамин ва минерал премикслар.

Кишида тяқуашларни турли ўтлардан: ўтзорда ўсадиган бетага (галласимон ўсимлик), кўп йиллик мастак (бегона ўт), ўтзорда ўсадиган кўнок ўт (кўнғирбош), оқ сўхта (ўт тури), ўтзорда ўсадиган беда (кизил беда) ва ер бағирлаб ўсадиган беда (оқ беда), озукабоп эспарџет (озукабоп дуккакли ўсимлик) ва экиладиган сераделлалардан тайёрланган пичан.

Тұяқушлар үчүн озиқага бұлған ғылыми талаб

Озиқа	Бир йилга талаб, кг
Оміхта ем ПК – 5 (0 дан 6 хафтагача)	12 – 18
Ем концентрати (6 дан 16 хафтагача)	100
Майдаланган маккажүхори ёки уннинг сироси	120 – 125
Беда уни	120
Янги ўрілған күк ўт (йилнинг иссік мавсумида)	200

Тұяқушларға құшымча озиқа сифатида саноат ва озиқ – овкат чиқиндиларини, кунжара ва шрот (3 ойлық ёшигача фактат соя шроти), майдаланган сабзавотлар, пиширилған картошка, гүшт – сұяқ уни берилади. Тұяқушлар chanқоқликни енгил ўтказади, лекин сув бұлса ишталағанда билан күп миқдорда түйіб ичади. Шунинг үчүн сувни чегараланмаган миқдорда зеркін бериш керак.

Катта ёшдағы күшларға ва ёши бир ёшдан юкори ёш күшларға озиқаны кунига 2 маҳал берилади, бир ёшгача бұлған ёш тұяқушларға кунига 3 – 4 маҳал берилади.

Тұяқушларни интенсив парвариши килиш усулида бокиша турли ёш түрухларига караб бериладиган озиқа таркиби қуида күрсетилген.

*(Бир күннің тұяқушлар үчүн озиқа рационы нағұнасы
(1 кг тирик вазн үчүн гр. ҳисобида)*

Ингредиентлар	0 – 2 ойлық, бирламчи фаза	2 – 4 ойлық, бошланғыч фаза	4 – 6 ойлық, ўсмир фаза	6 – 10 ойлық, ўсмирдан кейин фаза	10 – 14 ойлық, ўсих охирги фаза	14 ойлық ва үндем юкори ёшда, ясасын фаза
Беда	22,7	260	428	812	884,6	420
Маккажүхори	577	501,3	463,5	172,7	100	0
Макка ёғи	20	20	0	0	0	0
Соя ёғи	232	86	30	0	0	0
Балик уни	120	106	59	0	0	8,9
Дикальцийфосфат	5,3	7,4	11	11	11,2	15
Киздирілған мел	17	12,3	3	0	0	0
Метионин	1	2,23	1	1,4	1,7	1,6
Витамин – минераллы премикси	4,5	4,5	4,5	2,5	2,5	2,5
Цинк бицитрат	0,5	0,5	0	0	0	0
Беда пичани	0	0	0	0	0	552

Майдаланған чиганок ва озукапоб охак (известняк) хар доим зеркін қолда алохуда емдендердә бўлиши керак, чунки тұяқуш болаларини бўйини

интенсив ўсишида сүякни шакллантириш катта аҳамият касб этади (биринчи 6 ойда хар ойда 30 см.гача ўсади).

Туяқушлар томонидан истеъмол қилинаётган озиқа міңдори, биринчидан уларнинг ёшига ва озиканинг энергетик қувватига боғлиқ. Ўсаётган туяқушлар учун бир кунлик озиқа истеъмоли ўзирик вазнининг 3 – 4 фоизини ташкил этади. Катта ёшдаги туяқушлар бир кунда тирик вазнига нисбатан 2,5 фоиз атрофифа озиқа концентрати истеъмол килади.

Туяқуш жўжаларининг 1 кг. тирик вазн олиши учун 1,4 – 2,1 кг. озиқа истеъмол қилиши керак бўлади. 3 – 6 ойлик ёш туяқушларнинг 1 кг. тирик вазн олиши учун 2,6 – 3,0 кг. озиқа сарфланиши талаб этилади ва ўсишининг якунловчи этапида (7 – 12 ойликда) бу нисбат 4,1 – 15,0 кг. озиқа сарфини ташкил этади.

Туяқуш томонидан бир кунда ичиладиган сув міңдори икlim шароитлари ва истеъмол қилинган озиқа турига боғлиқ. Катта ёшдаги туяқуш юкори харорат ва паст намлик кўрсаткичидан бир кунда 12 литр сув ичади.

Зарур бўлган вактда “В” гурухидаги витаминалар ва биотин препаратларини озикага хар бир бошига 5 гр. ҳисобидан кўшилади.

Ярим интенсив парвариш қилиш усулида туяқушларни озиклантириш



Ярим интенсив парвариш қилиш усулида туяқушларни озиклантириш катта муаммолар келтириб чиқармайди. Күшлар етарли даражада керакли бўлган міңдорда барча озиқа компонентларини осонгина яйловда эркин ўтлаш ва тўйимли омухта ем концентрати истеъмол қилиш оркали олади.

Лекин туяқушларни бу услубда бокиш учун яйлов сифатли бўлиши керак. Табиий шароитга максимал даражада яқинлаштирилган мухитда табиий озикани истеъмол қилиш фойдадан ҳоли эмас.

Наслдор күшлар учун кўпайиш даврида кучли тўйимли озиқа бериш кераклигини эсда тутиш лозим. Наслга мўлжалланган туяқушлар маҳсус кўшимча рацион билан таъминланиши керак. Қиши мавсумининг биринчи 2 ойида туяқушларнинг хар бирига 1 кг.дан гранулланган концентрат бериш

тавсия этилади. Парваришлар даврининг кейинги ҳафталари озиқа концентрати микдорини З кг гача кўпайтирилади. Шу билан бирга майдаланган кўк озиқани концентратга қўшиш зарур бўлади. Агар кўпайиш мавсумининг бошида насли түякушлар жуфтлашиш учун тайёрлигини билдирувчи белгилари пайдо бўлмаса, озиқа сифати яхшиланиб, микдори кўтарилади.

Экстенсив парвариш килиш усулида түякушларни озиклантириш



Агар түякушлар фермада экстенсив услубда парваришланаётган бўлса, асосийси – катта микдорда сифатли яйлов майдонлари билан таъминлаш керак бўлади. Бунинг учун атрофи тўсилган бепоён (кент) ҳайдалмайдиган ер майдонлари талаб этилади.

Агар фермада бошка хайвонлар ҳам бекилаётган бўлса, уларни түякушлар билан бирга бокса бўлади. Табиий шароитда ҳам түякушлар зебралар, жирафлар ва бошка ўтхўр хайвонлар билан бирга бепоён яйловларда ўтлаб юришлари хаммага маълум. Шунинг учун туткунлик шароитида бошка ўтхўр ҳайвонлар билан биргаликда яйловда ўтлаш шароитини табний мухитга яқинлаштиради.

Экстенсив тизими фермада қўлланилаётган бўлса, озиқа харажати унча кўп бўлмайди, озгина бўлади, чунки озиқани асосий кисмини кушлар яйловда ўзлари топиб истеъмол килишади. Лекин түякушлар парваришланаётган бундай услугуб кўпроқ маҳаллий табиий – иклим шароитларига боғлиқ бўлади.

Агар иклим шароитлари ёмонлашиб, ёмғир ёки қурғокчилик бошланса, кушлар ўзини яйловда озиқа билан тўлик таъминлашига ишониб бўлмайди. Бундай нокулай иклим шароитларида фермадати кушлартга қўшимча равинша озиқа бериш керак бўлади.

Түяқушларни тухум қўйиш даврида озиқлантириш

Юкорида айтиб ўтилгандек тухум қўйиш мавсумида түяқушлар озиқланшишини алоҳида назоратга олиш керак. Лекин эркак ва урғочисининг озиқага бўлган талаби бу даврда бир хил эмас. Урғочиси тухумнинг кобигини сифатли шакллантириш учун рацион таркибида кальций моддаси миқдори юкори бўлишига муҳтож бўлса, рацион таркибида кальций моддаси миқдори юкори бўлган озиқа эркагига зиён берип мумкин. Кальций моддаси маний(сперма)ни ишлаб чиқаришда алоҳида аҳамиятга эга бўлган рух(чинқ) моддасини организм томонидан ўзлаштиришга тўсқинлик килади.

Бундан ташқари түяқушнинг эркагига кўп озиқа истеъмол килиш зарарли, чунки семириб кетиш ёмон асоратларга олиб келади, натижада тухумни уруглантириш фоизи тушиб кетади, аммо урғочиларидан сифатли тухум олиш учун кучайтирилган тўйимли озиқа бериш керак бўлади.

Тухум олиш мавсумида түяқушларнинг эркаги ва урғочилари учун алоҳида озиқа рациони ташкил этиш керак бўлади. Түяқуш эркагини бу давр ичida озиқа рационини ўзгартирмасдан, алоҳида сайр майдонида бокилади. Ҳар иккинчи кўни түяқуш эркагини жуфтлашиши учун урғочиси сайр майдонига қўйиб юбориш тавсия этилади, бунинг учун бир неча соат бирга бўлиш етарли бўлади. Лекин түяқуш эркагини урғочисининг сайр майдонига, урғочилари озиқанинг катта кисмини ютиб бўлишгандан кейин қўйилади.

Түяқуш жўжаларини озиқлантириш



Озиқлантириш ва санитар – гигиеник шароитлар – асосий икки факторлар, ёш түяқушларнинг нобуд бўлмасдан омон қолиши учун бевосита тъясир ўтказувчи омиллардир ва фермада түяқушчиликнинг ривожланиши хам мана шу икки омилга боғлиқдир. Шунинг учун биз түяқуш жўжаларини озиқлантиришни алоҳида кўриб чиқамиз.

Дунёга энди келган түяқуш жўжаси биринчи кунлари киндик кисмida жойлашган копчадаги тухум сариғини сарфлаш хисобига яшайди, шунинг учун ҳаётининг биринчи кунлари озиқага эҳтиёж сезмайди. Аммо барибир

туякуш жўжалари бу кунлари озиқа билан таъминланиши керак. Бир кунда икки маҳал озиқа истеъмол қилувчи катта ёшдаги тяқушлардан фаркли ўлароқ, тяқуш жўжалари сувдонларида ҳар доим озиқа бўлиши керак. Бундан ташкари сувдонларда ичимлик сув бериш хам эсдан чикмаслиги керак. Катта ёшдаги тяқушлар узок муддатли сувсизликни енгил енгиг ўтади, лекин ёш тяқушлар доимо сувдонларда ичимлик суви бўлишига эҳтиёж сезади. Ҳар куни сувдонларни тозалаб, ювиб ва сувини алмаштириб туриш оркали тозаликни, гигиенани саклаб туриш жуда муҳим.

Тяқуш жўжаларига концентрат ва майдалангандан кўк бедадан таркиб топган озиқа, суюқ арапашма ҳолатида берилади. Уларга бериладиган озиқа таркибидаги ўсимлик пояси ва бандлари олиб ташланади, чунки ичак фаолиятини бузиш эҳтимоли мавжуд. Озиқа таркибидаги дагал толали ўсимликлар компонентлари тяқуш жўжаларини жиҳдий тарзда ичи котиб колишига олиб келиши мумкин.

Тяқуш жўжалари 4 ойлик ёшига етгунча озиқа таркибидаги клетчатка (целлюлоза) миқдори чегаралангандан бўлиши керак. Биринчи ойлари беда майдонларида жўжаларни бокиши мумкин эмас, кейинчалик клетчатка миқдорини аста-секинлик билан ошириб бориш мумкин бўлади.

Тяқушлар бокилаётган худудда катта бўлмаган кум уймаси, чиганок, озукабоп оҳак ва тошлар тўплами ташкил этиш керак бўлади. Таркибида оҳак компоненти мавжуд бўлган озиқа қўшимчалари жадал суръатлар билан ўсаётган тяқушнинг жўжалари скелетини шакллантиришда катта ахамиятга эга. Ахир хаётининг биринчи ярим йиллигидаги тяқуш жўжалари ҳар ой 30 см.гача ўсади.

Ўз худудида айланиб юрган тяқуш жўжалари тошлар, тухум кобиги ва сабзавот бўлақларини, учраган ҳамма нарсани иштаҳа билан ютиб юборади. Тяқуш жўжалари томонидан катта миқдорда ютиб юборилган тош ва кумлар озиқа ҳазмини нормаллаштиради.

Агар табиий озиқа таркибида витаминлар миқдори кам бўлса, қўшимча равишда витаминларни алоҳида ичимлик сувига қўшиб берса бўлади. Биотин ва “В” гуруҳидаги витаминларни ҳар бир күнгага 5 гр. хисобидан қўшиш тавсия этилади.

Тяқуш жўжаларини катта ёшдаги тяқушлар билан бирга бокиши нийоятда мъякул усул эмас. Бундай усулда юкумли касалликлар билан оммавий тарзда зарарланиш ҳавфи тугилади, айниска ёш тяқушлар катта ёшдаги тяқушлардан ўта ҳавфли касалликларни ютириб олиши мумкин.

Тяқуш патларини йиғиши

Тяқушларда (линъка) туллаш мавсуми бўлмайди, доимиий равишда патлари аста-секин алмашиб боради. Шунинг учун тижорат максадида фермерлар вакти-вакти билан тяқуш патларини териб (юлиб) турадилар. Бу тадбирдан патларни йиғиши билан бирга тяқушлар терисининг сифати яхшиланади. Ахир патларни юлиб олишдан котиб олиши мумкин (киммати) ошади.

Үсіб чиққан патда кон томирлари тери юзигача түлік қурийди, аммо тери юзасидан пастдаги пат ўзаги (стволи) үсишда давом этади. Пат ўзагининг тери юзасидан пастки кисмини “яшил сатхі” дейилади. Айни шу кисмининг доимий үсиши туфайли юкоридаги пат вакти келиб ташкарига итарилиб чиқади ва түқилиб тушади. “Яшил сатхі”дан юкорида етуқлик босқичига етган пат стволи қуруқ трубача шаклиға киради. Яъни тери сатхидан юкорида бўлган патлар “ўлік” хисобланади, чунки улар нерв толалари ва кон билан таъминловчи кон томирларидан махрум бўлган. Шунинг учун ушбу патларни кесиб олинганда қушлар оғрек сезишмайди.

Бирок “яшил сатхі”дан пастда жойлашган ствол кисмига тегиш мумкин эмас, чунки тұяқушлар оғрек сезади ва кон кетиши мумкин. Патларни патнинг кудукчасидан 6 – 8 см дан юкори бўлган жойидан кесиш амалга оширилади.

Канот патлари ярим йилда етилади, түлік шаклланиши учун 8 ой вакт керак бўлади. Шунинг учун патлар бутун юлиб олинмайди, түлік пишиб етилмасидан олдин ўзак катлами юкорисидан кесилади. Бу вактга келиб патлар шаклланган бўлади, лекин бузилмаган ва яроксиз холга ҳали келмаган бўлади. Агар патлар кудукчасида түлік пишиб етилгунича колдирилса, натижада патлар сифати бузилиб, яроксиз холатга келиши мумкин. Патларни махсус асбоб – секатор (токкайчи, гулкайчи) ёрдамида кесилади.

Пат кудукчаларида колган патлар стволи (ўзаги) колдикларини түлік пишиб етилгандан кейин, яъни тахминан 2 ойдан кейин олиб ташланади. Уларни омбир ёрдамида олиб ташлангандан кейин жойига ёғлиги юкори бўлган бирор бир крем суртилади. Мойлаш пат кудукчаларни қичитиш ва ифлосланишдан саклайди. Маълум вактдан кейин олиб ташланган патнинг ўрнидан янгиси үсіб чикишни бошлайди. Бир кунда тұяқуш пати тахминан 50 – 75 мм ўсади.

Бир вактлар тұяқушлардан патлар ҳар ярим йилда терилган. Лекин хозир бизга маълум, агар ҳар 6 ойда патлари терилса, патлар каттик ва қалта бўлади, шу билан сифати анча паст бўлади. Шунинг учун патларни йилда бир марта ёки 8 ойда бир терилади.

Саккиз ойлик интервални маҳаллий икlim шароити бир маромда ва үсімликларга сероб жойда, қушлар йил давомида керакли витаминлар ва минералларга бой, тўйимли қўқ озиқа истеъмол қила оладиган шароитларда кўлланилади. Биринчи марта ўш тұяқушларни ярим йиллик ёшида патлари кесилади. Шундан кейин 16 ойлик ёшида ва кейингиси 2 йиллик ёшида, бу тизимда 2 йил давомида 3 марта патларни теришга эришилади.

Агар маҳаллий икlim мавсумлар орасида кескин фарқ килса, мавсумнинг совук вактларида патлар үсиши секинлашими инобатга олиш керак бўлади. Шунинг учун тұяқушларнинг патларини кесишни бир йилда бир марта амалга оширилади.

Тұяқуш патларини теришни жинсий инстинктлари үйғонгунга қадар амалга оширилади. Ушбу патларни териш жараённда қушларни физиологик холатига аҳамият берилади. Агар тұяқуш касал, ҳолдан тойған, заифлашган, орқи бўлса янги патларнинг сифати талабга жавоб берадиган бўлмайди.

Шунинг учун патларни кесишни түякуш соғайиб ва яхши кондицияга етгандан кейин бажарилади.

Агар паррандани 12–14 ойлик ёшида сўйишни режалаштирилган бўлса, унда 7 ойлик ёшида патларини кесиб олса бўлаверади. Бунинг учун махсус мослаштирилган патларни кесиш учун кути (яшик) тайёрланади. Патларни кесиш учун кути – учкиррали курилма. Фронтал томонини (олди) эни 50 см, тыл (орка) томони – 70 см, кути узунлиги ва чукурлиги 120 см ни ташкил этади.

Патларни кесиш жараёнидан олдин түяқушларни сайр майдонига йигилади, шундан кейин битта-биттадан патларини кесиш учун кутига ҳайдалади. Дастреб икки қатор узун оқ патлари кесилади, сўнг канотининг пастки кисмидаги икки қатор ипак патлари юлиб олинади. Кейин канотидаги ва думидаги оқ патлари кесиб олинади. Патларни кесиш вақтида 25 мм узунликда тери устида стволи (ўзаги) колдирилади. Улар 2 ойдан кейин тўлиқ олиб ташланади.

Түяқушларни кўпайтириш

Түяқушлар эркаги 4 – 5 йиллик ёшида жинсий вояга етади, урғочиси эса 1 йил аввал тухум кўйишни бошлайди. Шунинг учун кўпайтириш мақсадида жинсий етук түяқушлар ва мос равиша ҳар иккала жинсдан ҳам ҳар хил ўшдаги қушлар сотиб олинади. Ана шунда түяқушлардан биринчи мавсумнинг ўзида насл олип мумкин.

Түяқушларни 15 ойлигидан бошлаб жуфтлашни мавсумидан бошқа даврларда эркагини ва урғочисини алоҳида–алоҳида ушланади. Бу даврда түяқушларнинг организми тўлиқ дам олиши ва янги жуфтлашиш, тухум кўйиш мавсумигача куч йиғиш учун карама-карши жинсларни алоҳида ажратиб бокилади.

Түяқуш эркагининг жинсий балоғатга етгандигини болдирининг ва тумшуғининг кизарган рангига караб билиш мумкин. Танасининг мана шу кисмларини айникса ёрқин кизил рангта кириши жинсий балоғатга етганлик кондициясининг энг юкори чўккисига чиққанлигини англаради. Ва аксинча, жуфтлашиш мавсумида уларнинг рангсизланиб бориши, ушбу түяқуш эркагининг жинсий куввати (фаоллиги) пасайиб боришидан дарак бўлади. Одатда бу холатда тухумларнинг уругланиш фоизия камайиб кетади, шунинг учун кувватсизланиб, ореклаб колган түяқуш эркагига дам бериш ва кувватга кириши ҳамда унумдорлиги тушуб кетмаслиги учун алмаштирилади.

Түяқуш эркаги нафакат жинсий фаоллиги, балки темпераменти бўйича ҳам тоифага ажратилади. Жуфтлашни даврида түяқушнинг турли эркаклари урғочиларига нисбатан ўзини кандай тутишига ҳам алоҳида эътибор берилади. Айримлари ўзларини босик ва сабрли тутадилар, улар шошилмайдилар. “жуфтлашиш ракси”ни ўзининг бўғик “кўшиғи”ни ижро этган холда мамнуният билан ижро этади ва урғочиси билан эҳтиёткор бўлиб алока қиласи. Лекин бошқа түяқуш эркаги урғочисига эътибор кўрсатмасдан, унга нисбатан тажовузкор бўлади ва жисмоний жароҳат ҳам етказиши мумкин. Бундай түяқуш эркаклари бракка чикарилади.

Түякуш уғочиси жуфтлашиш мавсумида жуфтлашишга тайёр бўлса ўзини мос равишда адекват тутади. Улар ҳам унга зътибор қаратган эркаги олдида ерга эгилиб ва қанотларини тушуриб ўзига хос “ракс” тушади. Эркагининг зътиборини баҳолаб, ургочиси бошини пасайтиради ва шу вазиятда жимиб колади. Бу эркаги учун жуфтлашишни бошлашга сигнал бўлиб хизмат килади.

Жуфтлашиш вактида түяқуш эркаги жимиб колган ургочисини оркасидан яқинлашади, бир оёгини унинг танасига тираб, иккинчи оёгини елкасининг устига кўяди. Түяқушларнинг жуфтлашиш акти одатда 5 – 10 дақиқадан кам бўлмайди.

Бизга маълумки, ота-она түяқушлар тухумларни навбат билан босиб ётади, ҳатто отаси онасига иисбатан кўпроқ наслини очириб чикаришда иштирок этишга ҳаракат килади. Шунинг учун наслдор ота-она күшларни тухумни босишига йўл кўймаслик керак. Ота түяқуш тухумни босишини бошласа, унинг мояки кичиклашади ва у уруғлантириш хусусиятини пасайтиради ёки йўқотади. Махсулдорлик пасайишининг олдини олиш максадида эркаги тухум босишига ҳаракат килмасдан, ургочиси билан жуфтлашиб туриши ва маҳсулдорликни тушириб юбормаслик учун килинган тухумларни ўз вактида олиб туриш керак.

Африка түяқуши тухумининг оғирлиги таҳминан 2,2 кг.ни ташкил этади. Ҳар бир ургочиси ҳар куни эмас, кун ора куннинг иккинчи ярмида тухум килади. Бир циклда ўртacha 18 – 20 дона тухум беради, кўпайиш учун шаронит яратиб берилса бундай циклдан бир йилда 5 тагача бўлади.

Гўяқушларнинг уяга сид даври март – апрель ойидан октябрь ойигача давом этади. Ургочи түяқушлар тухум кўйиши циклларга бўлинади, цикллар орасида 8–10 кун тухум кўйишдан тўхтаб олади (пауза қилади). Йил давомида ургочи түяқушларнинг ҳар бири 60 донадан аник тухум беради. Ушбу тухумларнинг 80 фоизи уруғланган бўлади. Уруғланган тухумларнинг 85 фоизидан түяқуш жўжалари (полапонлари, күш боласи) очиб чикади. Тухум инкубацияси 42 кун давом этади, ва күш боласи одатда 2 – 3 кун давомида дунёга келади. Түяқуш жўжаларининг тухумга оид тишлари бўлмайди, шунинг учун мустахкам тухум қобигидан бақувват оёкларининг каттиқ тирноклари ёрдамида чикиб келади.

Одатда биринчи мавсумда маълум бўлиб колади, қайси ургочининг келажаги бор, қайси бири браковка қилиниши керак. Биринчи йили уруғланган тухум сони йил давомида 25 донадан кам берган бўлса, унда бундай ургочилар браковка қилинади.

Тухумни инкубация қилиши

Бизга маълумки, түяқуш эркаги урчиш даврининг бопида жуфтлашиш учун ўзига бир нечта урғочи түяқушларни танлаб олиб, унча чуқур бўлмаган чукурликдан иборат уя тайёрлайди. Кўпинча уя қуриш учун ерни фермадан ташкарида ёки ноқулай бўлган жойни танлайди, масалан, фермер юрадиган йўлакни. Шунинг учун урчиш даврида күшларга ажратилган худудни ташлаб кетмаслиги учун зътиборлироқ бўлиш керак бўлади. Бундан бўлак ўзингизга маъкул келган жойдан, түяқуш эркагига ёрдам сифатида олдиндан уя учун

чукурча казиб қўйиш мумкин. Чукурчанинг тагини текислаб, атрофига тупрокдан сепиб тўсикча ясалади. Яна уяга йирик қум сепилса максадга мувофик бўлади. Бу кўрилган чоралар тұякуш тухумини босилишидан ва чакилишидан саклайди. Бундай курилмаларни ўзингизга маъқул келган худуддан бир нечтаси ясалса максадга мувофик бўлади, чунки қушларда улар орасидан биттасини танлаб олиш имкони тугилади. Одатда бундай ҳолатларда тұякуш эркаги худди фермер тайёрлаган уяни танлайди ва шу уялардан бирида тухумлар пайдо бўла бошлайди.

Бир тұякуш эркагининг ургочилари бир ерга, умумий уяга тухум кўяди. Кундузи ургочиси тухумда ўтиради, кечасига эркаги уни алмаштиради. Одатда бир уяда 20 – 25 дона тухум бўлади. Лекин ҳамма тухумдан ҳам полапонлар очиб чикмайди. Тұякуш тухуми қобигининг коваксимон тузилиши ва кутикуласининг ўйғлиги туфайли микробларга мойил бўлади. Шунинг учун нам иклимли минтайда тұякуш полапонлари тухумдаги ривожланишининг муртак боскичидаги 20 фойзгача нобуд бўлади. Албатта кум билан қопланган Африка саванналарида жазира маисик, намлик миқдори паст бўлган табиий иклим шароити тухумларнинг микроблар билан зарарланишига тўскинилк киласи ва тухумдаги ривожланишини муртак боскичидаги полапонларнинг нобуд бўлиш холлари кам учрайди. Лекин у ерда полапонларнинг пайдо бўлишига каршилик килувчи бошка сабаблар кўп.

Полапонлар соғлом тухумлардан ахиллик билан бир неча кун ичидаги ёруғликка чиқадилар. Тұякуш жўжалари кўрадиган ва момик парли бўлиб ёруғ дунёга тухумдан очиб чикади. Усти куриб бўлгандан кейин ота – онасининг оркасидан югириб юради ва мустакил равишда озиқланишини бошлайди. Жўжаларнинг ҳимоясини таъминлаш – отасининг вазифасига киради.

Тұякушлар тухумини териш ва саклаш



Тұякушчилик фермаси эгасининг энг асосий вазифаси табиий инкубацияга мўлжалланмаган, яъни ота-она тұякушлар босиб ётиши

режалаштирилмаган тухумларни ўз вактида териб олиш. Сунъий инкубация учун янги қўйилган тухумларни териб олиш мақсадга мувофик бўлади. Тухум уяда қанча кўп ётса, шунча касаллик қўзғатувчи бактериялар унда ривожланиш эктимоли катта бўлади ёки тухумдаги муртакда вактидан илгари ривожланиш жараёни бошланиши мумкин. Қуёшнинг кучли нурлари тўғридан – тўғри тухумга тушиши окибатида тухум ичидаги муртак нобуд бўлиши мумкин. Бундан ташқари қўйилган тухумни уядан тез териб олиш, тяқушларни тухум қўйиш махсулдорлигини давом эттиришга мажбур этади, чунки йўколган тухум ўрнини коплаш мақсадида она тяқушлар яна тезрок тухум қўйиш харакатига тушиб қолади.

Тухумларни уядан териб олиш учун ота-она тяқушларни хайдаб юбориш мумкин эмас. Биринчидан, тяқушлар хужум килиши мумкин, иккинчидан, тухум олиш даврида тяқушларни стресслардан саклаш лозим. Шунинг учун ота-она тяқушлар уядан узоклашганда ва уларга уяда нима бўлаётгани қўринмайдиган пайт тухумларни териб олинади.

Териб олинган тяқуш тухумларини кутиларга тўмток томонини юкорига килиб олдиндан куруқ латта билан артиб ва юмшок нарсага ўраб тахланади. Кутиларга тухумлар ташиш вактида силкиниш ёки урилишларда лат емаслиги учун титраш, зириллаш, тебранишга карши резина гиламчалар солинади. Агар тухумларни очик ҳолда ташилаётган бўлса, унда кути устига кўёш нурини қайтариш ва тухумларни қизиб кетипдан саклаш учун ок рангга бўялган қопқоқ ёпилади.

Агар тухум ифлосланган бўлса, саклаш хонасига қўйишдан олдин ювилади. Тяқуш тухумини ювиш учун тайёрланган сув илик 40 градус атрофида бўлиши керак. Ушбу мақсадда совук сувни ишлатиш катъиян ман этилади, чунки тухумнинг ичидаги моддалари киришиши окибатида сув тухум ичига кириб кетади.

Тухумни ювип олдидан кўлни дезинфекция килиш керак. Сувга ҳам таркибида йод ёки хлор моддаси мавжуд бўлган дезинфекцияловчи модда солиш керак бўлади. Тухумни ифлосликлардан тозалаш жараённида зинхор куч ишлатиб тухум кобигидан кириб ташлаб бўлмайди. Ҳар бир тухумни сувда 3 дакикадан кўп ушлаб бўлмайди. Тухум ювига бўлингандан кейин ҳавода куритилади.

Тяқуш тухумларини инкубациядан олдин 10 кундан кўп бўлмаган муддат саклаш мумкин, энг мақбули 1 хафта. Бунда хона ҳарорати 15 – 18 градус ва нисбий намлиги 40 фойзни ташкил этиши керак. Инкубация учун сакланайтган тухумларни ҳар куни бир марта ағдариб туриш мақсадга мувофик бўлади. Агар доимий равишда тухумни ағдариб туришни иложиси бўлмаса, унда хеч бўлмаса саклаш муддатида бир марта ағдариш керак бўлади.

Тухумни тўмток томонини юкорига килиб саклаш мумкин, лекин ён томонга ётказиб ҳам саклаш мумкин. Тухумни саклаш учун совуткичдан (холодильник) фойдаланиш мумкин, агар у берилган параметрлар бўйича нисбий намлик ва ҳароратни назорат килиб туришни имконини берса. Акс ҳолда термосдан фойдаланиш мумкин, совутиш учун муз пакетлардан фойдаланиш мумкин.

Тухумни инкубаторга қўйишдан олдин, уни албатта дезинфекция килиш керак бўлади. Дезинфекция килиш учун водород пероксида ёки формальдегидни пуркагич оркали сепилади.

Сунъий инкубация

Фермер түяқушларни кўпайтиришдан самарали фойдаланишни хохласа сунъий инкубациясиз юкори натижага эришиб бўлмайди. Инкубация яхши яқунланиши учун фермадаги түяқушлар тухумининг тузилишидаги ўзига хос хусусиятларини билиш керак.

Одатда фермада тухумларнинг асосий кисми инкубация учун ишлатилади. Жанубий Африка кишлок хўжалик илмий текширув марказининг маълумотларига кўра асосий муаммо бу тухумларни юкори бўлмаган 75 фоизи урўғланганлигидир.

Түяқуш тухумининг массаси тахминан 1,5 кг.ни ташкил этади. Шунда тухум узунлиги 15 – 19 см.ни, энгина 13 – 15 см.ни ташкил этади. Лекин түяқуш тухумининг массаси түяқуш урғочисининг танасига нисбатан 1 фоизни ташкил этади, бу кўрсаткич уй товукларига нисбатан 3,5 баробар кичикроқ ва беданага нисбатан 8 баробар кичкинадир.

Ҳакикатда түяқуш тухуми 1 кг.дан 2 кг.гача бўлади, лекин ўртacha вазни 1,3 – 1,7 кг.ни ташкил этади. Инкубация давом этиши муддати 42 кун.

Инкубация килишда тухум кобигининг ғоваклиги асосий мухим омиллардан хисобланади. Айниқса тухумдан полапонларни чиқиш фоизининг юкорилиги тухумнинг ғоваклик даражасига боғлик бўлади. Бу кўрсаткич бўйин ранги хар хил бўлган күшларда фаркландади, шунинг учун хар хил түяқушларнинг тухумини инкубация килишда хар хил нисбий намлик олинади. Чунки тухумнинг қуриши ва вазнининг енгиллаши нисбий намлика боғлик.

Африка түяқушининг тухуми оқ ёки сарғили рангда бўлади, усти силлик ва ғовакли бўлади. Шу билан бирга шакли ва катта – кичикилиги билан фаркландади. Африка түяқушининг яқин кариндоши бўлган Эму Австралияда истикомат килади ва ундан фаркли ўларок тухумлари кичикроқ, вазни 600 граммгача бўлади, оч яшилсимон бўлиб, вакт ўтиб кораяди ва кобигида катта микдорда ғоваклар мавжуд бўлади. Яна килсизлилар вакили бўлмиш – Жанубий Америкада яшовчи Нандунинг ҳам тухуми ўлчами шундай, Эмуники билан бир, кобиги силлик, ёрқин сарик рангга бўялган, кейинчалик окариб кетадиган хусусияти билан.

Лекин Европа фермерлари ўстираётган Африка түяқушига қайтамиз. Түяқуш тухумининг 1,8 мм.лик ўртacha калинликдаги кобиги, 220 гр. оғирликлидан бўлади ҳамда ўта мустаҳкамлиги билан ажralиб туради, яъни 55 кг.гача бўлган юкни бемалол кўтаради, солишириш учун товук тухуми 3,5 кг.гача бўлган юкни кўтаришини мисол келтиришимиз мумкин.

Түяқуш тухумининг кобигидаги ғоваклари тармокланган, товук тухумида эса фарқли равишда бир каналли бўлади. Лекин түяқуш тухуми кобигининг хар 1 см.да 16 та ғовак бўлиб, шу масалада товукнинг кўрсаткичи 150 та ғовак атрофида бўлади.

Фоваклар диаметрига 0,026 – 0,042 мм гача бўлиб, юмалоксимон шаклда бўлади. Товук тухумида фоваклар анча майда ва овалсимон ташки кўринишига эга. Фоваклар туюқуш тухуми юзининг 0,2 фоизини ташкил этади, а товукларда хаммаси бўлиб 0,02 фоизни ташкил этади. Бир дона туюқуш тухумида юзига чиқиш жойида тармокланиб кетадиган тахминан 10 000 дона фоваклар мавжуд.

Тухум қобиғи тагида мустаҳкам пардалар мавжуд. Ташқарисидагининг калинлиги 0,12 мм, ичкарисидагининг калинлиги 0,08 мм бўлади. Товук тухумларида тегишли равишда 0,06 мм ва 0,008 мм бўлади. Пардалар бевосита тухум қобиғига уланган ва унга кўпимча мустаҳкамлик беради. Туюқуш тухуми қобиғида кутикула умуман йўқ. Туюқуш тухумида хаво ўтказувчаник товук тухумига нисбатан анча юкори. Бу хусусиятларини сунъий инкубация қилишда эътиборга олиш зарур.

Йирик тухумлар ортиқча вазн йўқотмаслиги учун паст нисбий намлик ва хаво хароратида инкубация қилинади. Бир хил фовакли, икки хил вазни билан 1100 гр. ва 1800 гр.ли тухумлар бир хил шароитда инкубация охиригача биринчиси 165 гр. ва иккincinnиси 270 гр. вазн йўқотади. Шунинг учун хар хил катталиктаги тухумлар инкубация параметрларида керакли ўзгартиришлар қилиб, алоҳида – алоҳида шкафларда инкубация қилинади. Агар катта – кичик тухумлар бир инкубацион шкафда бир хил шароитда инкубация қилинса, ё катталари, ё кичиклари номувофик шароитда колади. Йирик тухумлар намлик кам буғланиши оқибатида кизиб кетиши ва мос равишда намлик буғланиши оқибатида майда тухумлар кизиб кетмайди, аммо қуриб вазни камайиб, кичрайиб, енгил бўлиб қолади.

Инкубатор тузилиши



Туюқуш тухумини инкубация қилиш учун бошка қишлоқ хўжалик паррандаларини инкубация қилиш мосламалари яроқсиз ҳисобланади. Уларда харорат, намлик ва вентиляцияни тартибга солиш, шу билан бирга потокларни автоматик тарзда ўз вактида бурилишини талаб даражасида таъминлаш мумкин эмас. Агар сиз ҳақикатан ҳам туюқушларни кўпайтириш бўйича жиддий равишда шугулланмоқчи бўлсангиз, Буюк Британия ва Италия давлатларида махсус инкубаторлар ишлаб чиқиши йўлга қўйган баъзи корхоналардан харид қилиб олишингиз мумкин бўлади.

Инкубацион шкафлар турли ўлчамда бўлади, хўжалик ишини жиддий юргазиш учун яхшиси турли хилидан, катта ва кичик тухумлар учун мос равиша керакли хажмда ясалган инкубаторлар харид килиш керак бўлади. Инкубатор шкафларининг хар бир ўлчамидан биттадан эмас, иккитадан бўлса максадга мувофик бўлади. Кичик хажмдаги инкубаторларда режимни барқарор ушлаб туриш катталарига караганда осонрок бўлади. Бундан ташкири тухум қўйиш камайиб колганда, факат кичик ўлчамли инкубор шкафларидан фойдаланса бўлади. Яъни бундай кичик ўлчамли инкубаторларнинг кўпроқ бўлиши мақсадга мувофик бўлади.

Энди бевосита инкубация жараёнига ўтамиз. Инкубаторда инкубацион ва очириб чиқариш шкафлари алоҳида-алоҳида мавжуд бўлса, тухум ривожланиши учун энг макбул бўлган шароит бор хисобланади. Айникса бир вактнинг ўзида тўлиқ тухум билан юкланганда юкори унумли бўлади.

Лекин амалда, тяқушлар галада бир нечта бошдан иборат бўлса, унда бошқача бўлади: тухумлар инкубаторга бирданига келмайди, аста-секин кела бошлади. Натижада турли ривожланиши босқичидаги муртаклар бир хил шароитда бўлиб колади. Бундай вазиятда тухумни жойлаштиришни турли усуслари мавжуд, лекин шкафдаги хаво алмашуви бир хил маромда бўлишига эътибор бериш керак.

Агар шкафга хар хил ёшдаги муртаклар биргаликда жойлаштирилган бўлса, 39-куни биринчи партияни очириб чиқариш шкафига ўтказилади. Мухими тухумдан очиб чиқсан тяқуш жўжаларини колган тухумлар билан контактда бўлишига йўл қўймаслик керак, чунки тухумдан очиб чиқиши жараёнида чанг ва парлар кўпайиб кетиши кузатилади. Айникса гигиена коидаларига риоя килиш ўта мухимdir, чунки инкубор шкафидан доимий равиша фойдаланиш, тўлиқ дезинфекция тадбирларини ўтказиш имконини бермайди.

Инкубатор параметрлари

Юкорида таъкидлаганимиздек, тяқуш жўжаларини очириб чиқариш учун маҳсус инкубатор керак бўлади. Товук ёки ғоз жўжаларини очириб чиқадиган инкубатор тяқуш жўжаларини очириб чиқаришга ярамайди. Доимий равиша инкубаторга тяқуш тухумлари кўйилаётган бўлса, инкубацион шкафда 36,0 – 36,5 градус хароратни домий равиша ушлаш керак. Африка тяқуши тухумларига нисбий намлик 20 – 35 фоиздан кўп бўлмаслиги керак. Эму тухумига эса 32 – 44 градус бўлиши, Нанду тухуми учун озгина баланд – 23 – 35 фоиз бўлиши керак.

Агар тухумлар инкубаторга бир вактда кўйилган бўлса, унинг хароратини биринчи беш куни 37,2 градусга кўтариш мумкин, кейин 36,5 градусгacha туширилади. Тяқуш тухумлари иссиклик сифими юкори бўлганлиги туфайли инкубация даврининг охирги хафтасида хавога нисбатан тухум кобигининг харорати 2 градусга баланд бўлади. Шунинг учун инкубация охирида хаво хароратини озгина пасайтириш мумкин, чунки тухумлар оптика иссикликни чиқариб ташлашга улгуриши ва кизиб кетмаслиги керак бўлади.

Инкубацион шкафларни ҳаво ҳарорати ва нисбий намликни бөшкара оладиган хонада ўрнатиш кераклигини инобатга олиш зарур. Инкубаторлар ўрнатилган хона нисбий намлигини 40 фоиз, ҳароратини 21–25 градус ушлаб туриш керак. Инкубаторий хонани параметрлари ўзгариши тўғрисида сигнал берувчи курилма билан жиҳозлаш максадга мувофик бўлади.

Туякуш тухумининг инкубация даври 42 кун бўлгани учун шу даврда 12–14 фоиз вазнини йўқотиши мумкин. Ўртacha кунига 0,3 фоиз вазн йўқотади. Бирок бир хил шароитда ҳам тухум кобиги ғоваклари ва калинлигини фарки хисобига 10 фоиздан 20 фоизгача вазн йўқотиши мумкин. Бунга йўл кўйиб бўлмайди, чунки бу икки ҳолда ҳам тухумдан жўжа чиқиш кўрсаткичи пасаяди. Хусусан, 12 фоиздан кам тухум вазни йўқотилганда, тухумдан туякуш жўжаси чиқиши 78 фоизни, 14 фоиздан кўп тухум вазни йўқотилганда, тухумдан туякуш жўжаси чиқиши умуман камайиб кетади – 40 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга тухум вазнини йўқотими 12–14 фоизни ташкил этганда, тухумдан туякуш жўжасини чиқиши 92,9 фоизни ташкил этади. Тухум вазнининг йўқотилишини назорат килиш учун ҳар хафта уни мунтазам равишда тарозда тортиб туриш керак бўлади.

Одатта кўра тухум сакланиш вактида, инкубация шкафига кўйиш олдидан, 13-куни овоскопия вактида ва 28-куни тарозда тортилади. Амалда тухум вазнини бундай ўлчаш тухумдаги йўқотилаётган вазн миқдорини назорат килиб боришина таъминлайди ва инкубация жараёнига керакли ўзгартиришлар киритиб бориш имкони беради. Агар тухум вазни кўп йўколтаётган бўлса, нисбий намлик кўтарилади, кам йўколатётган бўлса, нисбий намлик туширилдади. Агар тухумларнинг маълум кисмida ўзгаришлар қайд этилган бўлса, унда уларни яхшиси кичик инкубатор шкафига ўтказиб, улар учун алоҳида шароитлар яратилади ва назоратга олинади.

Туякуш муртаклари (эмбрион) ривожланиш жараёнида катта миқдорда кислородга мухтоҷ бўлиши маълум. Кислородга бўлган талаб инкубация жараёнида кун сайин ошиб боради ва ривожланишнинг 38-куни максимал даражага етади. Шунинг учун инкубацион залда ва инкубацион шкафла ҳаво алмашинуви интенсив равишда олиб борилиши керак.

Инкубаторга тухумлар узлуксиз равишда кўйилаётган шароитда 1 кг тухум учун 1 дакикада инкубатор шкафига 0,2 – 0,3 литр ҳаво бериб турилади. Лекин инкубация даврининг охирига бориб бу параметр 0,545 литрни ташкил этади. Туякуш жўжаларини тухумдан очириб чиқариш вактида ушбу параметрни 8 баробаргача инкубация учун кўтариш зарур бўлади.

Тухумлар ҳаво камералари юқорига этиб, ветикал ҳолатда жойлаштириллади. Туякушлилк билан шуғулланувчи кўпчилик фермерлар худди шундай килишади ва шу билан бирга горизонтал ҳолатда тухумни инкубацияга кўйувчишар ҳам бор. Ветикал ҳолатда жойлаштирилган тухумлардан полапонлар осон очиб чиқишади ва муртак ривожланиши яхши кечади. Лекин кўз билан тухумнинг ҳаво камераси кайси томонида жойлашганлигини аник айтиш кийин. Буни овоскопия килиш оркали аниқлам мумкин бўлади, ушбу усулига алоҳида тўхталиб ўтамиш.

Инкубацион лотоклардаги тухумларнинг пардаси кобиги билан кўшилиб ўсиб кетмаслиги ва иссиқлик бир текис таксимланиши учун муртак ривожланишининг 39-кунигача мунтазам равишда айлантирилиб турилади. Тухумни ветикал бўйича 45 градусда, ён томонга айлантирилади, бир кунда 2 мартадан 24 марта гача айлантириш қайтариб турилади. Африка түяқуши тухумини 39-куни очириб чиқариш шкафига ўтказилади ва ён бошлаб ёткизиб тахланади. Эму муртагининг ривожланиши 50–52 кунни ташкил этади, Нандуники эса – 32–38 кунни ташкил этади. Шунинг учун инкубацион процедурулари (бажариладиган ишлар) мос равишида сурилади.

Түяқуш жўжаларининг дунёга келиши



Агар сиз товук жўжаларининг тухумдан чиқиш жараёнини кўрган бўлсангиз, унда жўжаларни ёруғ дунё юзини қандай кўриш жараёни умуман олганда сизга маълум. Лекин түяқуш жўжаларининг дунёга келиш жараёни товук жўжалариникидан жуда катта фарқ қиласди, шунинг учун уларнинг фарқларини батафсил кўриб чиқамиз. Түяқуш жўжаси тухумнинг қиска ўзаги бўйича жойлашиб олиб, оқсил моддасидан таркиб топган пардан хаво камерасига иложи борича якинрок жойидан тумшуғи ёрдамида ишқалаб тешади. Бу хаводан биринчи нафас олиш имконини беради. Кейин түяқуш жўжаси бошини орқага ташлайди ва тухум кобигини оёклари билан тирагиб синдиради. Тухумнинг кобигида узунасига ёріклар пайдо бўлади.

Тухум кобигида ерилган жойи пайдо бўлгунича түяқуш жўжаси 90 градусга айланади, товук жўжаси эса 270 градусга айланади, ана шу айлананиш жараёнинда тухум кобигининг турли жойида озгинадан ёріклар пайдо қиласди, кейин чиқиб кетиш учун тепа қисмини улоктириб юборади.

Биринчи түяқуш жўжалари тухумни чўкиб тешинни бошлаганда, инкубатордаги нисбий намлик сатжини 30 фоизга оширилади. Агар инкубацион шкаф тухумлар тўлик кўйилган бўлса, ҳарорат ярим градусга камайтирилади, агар тухум сони кам бўлса, ҳарорат шунчага кўтарилади. Түяқуш жўжалари тухумни ёриб чиқишини бошлаганда, намлик янада бир марта энди 50 – 60 фоизгача кўтарилади. Бу полапонларнинг тухумдан ёриб чиқиш жараёнига ёрдам беради.

Агар тухумдан ёриб чиқиш жараёнинда түяқуш жўжалари кийналётган бўлса ҳам дарров ёрдамга келиш тавсия этилмайди. Айникса бу түяқуш жўжаси хали тухум пардасини ёриб чикмаган ва нафас олишни бошламаган

бўлса. Киндик томирлари хали ёпилмаган ва кон билан тұла бўлса, полапон ёриб чиқишига тайёр бўлмайди. Лекин бошқа пайт бошқа ходиса хам бўлиши мумкин, масалан, тухумни ёриб чиқиш вақтида түяқуш жўжасининг нотўғри ётиши. Бундай полапонга ёрдам бериш керак бўлади, факат тухум ёригини олиб ташлаш орқали, колган жараён ўзи давом этади.

Фермер албатта хамма очиб чиқаётган түяқуш жўжаларига ёрдам бериб, уларни саклаб колишини ҳохлади. Лекин нимжон, кучсиз түяқуш жўжаси бутун галани кучсизлантиради. Агар түяқуш жўжасида тухумдан чикиш жараёнида кийинчилклар пайдо бўлдими, кейинчалик хам ривожланиши тенгдошларидан оркада колиш эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун бундай түяқуш жўжаларига тухумдан чикиш жараёнида ёрдам бериб, кейинчалик наслга эмас, факат гўштга бокишини режалаштириш керак.

Янги очиб чиқкан полапонлар учун “брудер” деб номланадиган маҳсус мослама мавжуд. Брудер деб лампалар ёрдамида иситиладиган катта бўлмаган таглик катакни айтилади. Уни инкубацион залга жойлаштириш мумкин. Түяқуш жўжаларини тухумдан чиққандан кейин 2 – 3 соатга брудер тагига усти куригунча кўйилса максадга мувофиқ бўлади.

Тухумдан чиқкан түяқуш жўжаларига карашни вазнини тортишдан бошланади. Күшни вазнини билиб олганимиздан кейин унинг ривожланишини кузатиш осон бўлади. Түяқуш жўжасининг нормадаги вазни 500 дан 900 гр.гача бўлади. Такъослаш учун инкубацион даврининг ўртасида түяқуш муртаги бор йўғи 10 гр.ни ташкил этади, ўсиш суратининг тезлиги инкубацион даврининг ўзиди хайраттга солади.

Янги очиб чиқкан полапон киндигини дарров дезинфекцияловчи восита билан ишлов берилади. Биринчи кунлари түяқуш жўжалари киндигига дезинфекцияловчи восита билан ишлов беришни бир кунда бир неча марта кайтарилиб турилади.

Инкубация жараёнидаги носозликлар

Идеал ҳолатда түяқуш тухумларининг уруғланиши 80 фоизни, лекин амалда кўпинча 65 – 75 фоизни ташкил этади. Ҳаётда умуман тухумларнинг уруғланганлик фоизи 50 дан 95 фоизгача бўлиши мумкин.

Тухумларнинг уруғланганлик фоизи паст бўлиши сабаблари турлича бўлиши мумкин. Агар галада эркаги кўп бўлса, унда доимий равища бир бири билан конфликтга кириб, халакит беради. Ёки эркаги галада етарли микдорда бўлмаса, унда улар ўз вазифасини тўлиқ адо этолмайди. Түяқушларнинг эркаги жуда кари бўлиши, уни уруғлантиришга кучи етмаётгани туфайли наслдор ёш эркаги билан алмаштиришга эҳтиёж сезилаётгани бўлиши мумкин. Яна тухумларни кам уруғланганлик сабаби нотўғри озиқлантириш, зич жойлаштириш, касалланиш ва гинекологик тўлиқ ривожланмаган хам бўлиши мумкин. Мавсумий тухум уруғланиш сифати пасайиши хам мумкинлигини эсдан чиқариш керак эмас, бу нормал ҳолат хисобланади.

Лекин уруғланган тухумда муртак яхши ривожланмайдиган ҳолатлар хам бўлади. Бу ҳолатда тухумлар каттиқ совук ёки иссик шароитда сақланганлиги оқибатида шикастланади, яъни совук ёки иссик уради. Яна

бундай холатлар тухумни муддатидан ортик саклаш ёки инкубациядан олдин килингган сифатсиз дезинфекция оқибати бўлиши мумкин.

Туякуш тухумининг инкубацион сифати ёмонлашиши, товуқларда учрайдиган холатларда ҳам бўлиши мумкин. Бу катта ёшдаги туяқушларни нотўғри озиқлантириш, муртакнинг тухум ичидаги нотўғри жойлапиши, тухум кобиги сифатсиз бўлиши ва бошқалар.

Агар инкубация даври охирида муртак нобуд бўлган бўлса, унда инкубатордаги ҳарорат ва намлик режими бузилганингини, тухум массаси йўқотилиши ёки кўпайиши оқибатидаги нобуд бўлганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яна бир сабабларидан ҳаво алмашинуви бузилиши туфайли кислород етишмаслиги оқибатидаги муртак нобуд бўлади.

Овоскопия килиш

Овоскопия килиш – маҳсус асбоб бўлиб, тухум муртаги ривожланишини назорат килиб бориш максадида ёруғлик нури орқали кўриш ва уруғланмаган тухумларни аниклаб ўз вактида чиқариб ташлаш имконини беради.

Туякуш тухумини текшириш учун мўлжалланган овоскоп, оддий товук, ўрдак тухумларини текширувчи овоскопдан ўлчами билан фарқ қиласди. Бу тахминан 1 метр узунликдаги труба, энгина тухумнинг ўлчамига тенг, тухумни механик тарзда шикастламаслиги учун чети резина билан қопланган бўлади. Труба ичининг пастки кисмидаги куввати энг ками 100 Вт. лик лампа ўрнатилади.

Туякуш тухумини кўриш учун овоскопни катта маблағ сарфлаб олиш шарт эмас, унинг гузилиши оддий бўлганни учун ўзингиз ҳам ясасангиз бўлаверади.

Одатга кўра инкубациянинг 7-куни овоскопда кўрилганда ичидаги муртакнинг пардаси – аллантоис аранг кўринади, кайсики тухум кобигининг 20 фоизини қоплади. 14-куни парда анча сезиларни бўлиб колган бўлади ва ўсишда давом этиб, тухум кобиги тепа кисмининг хаммасини бутунлай қоплади. 24-куни тухумнинг олтидан бир кисми ҳаво камераси билан банд бўлади. Муртак бу вактда тухумнинг ярмини эгаллади. 33-куни тухумнинг жами хажмидан учдан икки кисмини эгаллади. 35-кунидан бошлаб овоскоп ёрдамида факат ҳаво камерасини кўриш мумкин, чунки колган барча кисмини бутунлай муртак эгаллади.

Қоидаги кўра бутун инкубация давомида тухумни икки марта: 13- ва 20-кунлари овоскопия килинади. Лекин ҳар хафта 39-кунигача, яъни тухумларни очириб чиқариш шкафига ўтказгунча овоскопия ўтказиш мумкин. Тухумларни очириб чиқариш шкафидаги овоскопия килишни ҳар б соатда ўтказилади.

Тухумларни овоскопда кўриш жараёнида санитар – гигиеник талабларга риоя килиши эсдан чиқариш керак эмас. Тухумни овоскопда кўриб бўлгандан кейин кейинги тухумни кўйишдан олдин тухум теккан резина айланани дезинфекцияловчи моддага шимдирилган губка (латта) билан артилади.

Түякуш жўжаларини парваришлаш

Түякуш жўжаларини парваришлаш осон иш эмас. Түякуш жўжалари парвариш килиши шароитига таъсирчан бўлади. Хонадаги ёргулук сатхи, харорат ўзгариши ва ҳаво алмашинуви түякуш жўжаларини бокиша катта ахамият касб этади. Айникса биринчи ярим йилликда бокиши ҳавфли, кейин ёш түякушлар чиникиб, бақувватлашади ва атроф-мухит таъсиридан алоҳида эътиборга муҳтож бўлмайди.

Ёш түякушларнинг биринчи йили сақланганлик кўрсаткичи 70–80 фоизни ташкил этади. Лекин биринчи хафта парваришлаш шароитида озигина ўзгариш бўлса ҳам 50 фоизи нобуд бўлишига олиб келади. Энг яхшиси ёзда чиккан түякуш жўжаларини караш осонрок, кишида чикканларини нобуд бўлишни камайтириш учун анча диккат билан парвариш қилиш керак бўлади.

Түякуш жўжалари тухумдан чикиши билан 20 см.лик тўсик ичига кўйилади. Түякуш жўжалари 150–180 см.гача етқунча кунига 1 см.дан кўшиб, жуда тез ўсишни бошлайди. Лекин биринчи хафта бошланғич вазнини 10 фоизини йўқотади, кейин эса вазнда кўшишни бошлайди.

Кўпинча түякуш жўжаси тухумни очиб чиккандан кейин биринчи 6–8 кун ичидаги озиқа ва сувга муҳтож бўлмайди. Бундан ташкари бу даврда озиқа бериш ва сув ичириш мақбул бўлмайди, чунки тухум сариги колдиги организм томонидан тўлик ўзлаштирилиши керак ҳамда мускуллари орасидаги оптика сув ҳам сўрилиб кетиши даркор. Түякуш жўжалари учун бундай ҳафталик очлик табиий ҳолат бўлганлиги учун бу даврни енгил ўтказади. Асосийси бу даврда ҳар қандай зараарли таъсирлардан, хусусан елвизакдан саклаш керак бўлади. Янги тухумдан чиккан түякуш жўжаларини албатта иситиладиган хонада саклаш керак.

Табиий шароитда түякуш жўжалари мустакил равиша катта ёшдаги түякушлар гўнгини чўқий бошлайди. Ундан клетчаткани ҳазм қилишда ва иммунитетни ривожлантиришда ёрдам берувчи фойдали микроорганизмларни олади. Лекин шу билан бирга у ердан түякуш жўжаларига ҳалокатли таъсир этувчи гижжа тухумларини ҳам юқтиришлари мумкин.

Кичкина түякушчаларни дастлаб оксил моддасига бой бўлган майдаланган беда билан бокиласди. Кўпинча кичкентойлар катталари чўқиб ейишини кўриб муаммосиз чўқиб ейишини бошлайди. Гранулланган емни бошида полга сепиб берилади, улар мустакил ейишини бошлагандан кейин емдонларга солинади.

Озикага ўргатиш вактида муаммо туғилса, оддий усулни кўллаш мумкин. Яхши пиширилган тухумни майдада килиб тўғраб, полга сепилади ва шу ерга қалам ёки бармок билан ерга тўқсиллатиб уришни такрорлаб туради. Буни бир кунда бир неча марта такрорлаб турилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ёш түякушчалар 2 – 3 кундан кейин ўзлари мустакил равиша озикани чўқиб ейишини бошлайди.

Хона полига йирик қум солинган бўлса, у ерда ёш түякушларни бокиб бўлмайди, чунки кумни озиқа ўрнига қабул килиб кўп миқдорда истеъмол

килиши мүмкін, натижада ошқозонида түпланиб, хазм қилиш жараёнига халакит беради.

Ёш жұжалар 3 ойга тұлғанидан кейин сайд майдончасига чиқариш мүмкін бўлади. Лекин сайд майдончасида шийпон, унинг тагида емдон ва нам ҳавода ёш тұякушлар устини қуритиш учун иситкич ўрнатиш керак бўлади.

Агар ёш тұякушлар катта ёшдагилардан алохіда бокилаётган бўлса, ҳавони иссик кунлари бедапояда уларни сайд қилдириб ўтлатиш масадга мувофик бўлади. Одатда ёш тұякушларни яйловда ўтлатиш осон, улар ходимларга ўрганиб колади ва ўз ота-оналарининг оркасидан эргашиб юргандек улар оркасидан юради. Қишлоғумында турли ўтлардан таркиб топган пичан билан бокиласди.

Тұякушларни гүштга (бўрдокига) бокишига ўтказилганда металл сеткадан тўсик килинган сайд майдонига жойлаштирилади. Бу услубда бокилганда сайд майдони 1 бошга 3 m^2 ва хонада 1 бошга 1 m^2 ер майдони хисобидан жойлаштирилади. Ёш тұякушлар 8–10 хафта бокилгандан кейин бўрдокига бокиш майдонига ўтказилади ва бу ерда 40 хафталикгача бокиласди. Ёзда тухумдан чиқкан ёш тұякушларни 5–6 хафталик ёшидан бўрдокига бокиш рационига ўтказиш ва баҳорги ёки кузги ёш тұякушларни факат 6 – 7 хафталик ёшидан бўрдокига бокиш рационига ўтказиш мүмкін бўлади.

Ёш тұякушларни 10 хафталикдан сўйиш мүмкін.

Сўйиш учун бўрдокига бокилаёттан ҳар бир ёш тұякушнинг тирик вазни 110–120 кг. бўлиши керак. Ёз фаслида ёш тұякушлар бундай кўрсаткичга 8–9 хафталигага, қишлоғумында 11–12 хафталигига эришади.

Тұякуш гүшти



Тұякуш гүшти қизил рангда, маззаси янги сўйилган бузок гүштини эслатади. Дегустация (татиб кўриб синаш, фарклаш, сифатини аниқлаш) натижасига кўра гүштининг таъми сифати бўйича мол гүшти филесидан озгина фарқ қиласди.

Якин вактларгача энг пархез гүшт деб курка гүшти хисобланган, лекин хөзирги вактда диетологлар томонидан энг пархез гүшти деб түякуш түпти тан олинган.


Түякуш гүшти таркибида холестерин моддасини мавжудлиги бүйича охирги тадикотлар шуну күрсатадики, балик гүшти, хусусан форель балиги гүшти билан күрсаткичлари бир хилдир.

Түякуш гүштида протеин катта миқдорда мавжуд, лекин ёг жуда кам миқдорда бўлади. Түякушнинг нимталанмаган гүшти тирик вазнига нисбатан 60 фоизни ташкил этади. Түякуш гүштининг умумий хажмидан 62 фоизи тоза лаҳм гүшт, 27 фоизи суюклар ва колгани ёғни ташкил этади. Бир түякушдан 40 кг тоза гүшт олиш мумкин ва асосий кисмини бакувват оёк сон гүшти ташкил этади.

Она чўчка ҳар йили 2,5 тонна атрофида гүшт берадиган бўлса, урғочи түякушдан йилига хакиқатда 4 тоннагача гүшт олиш мумкин. Бу ерда бўрдокига бўқилган чўчка болаларидан сифатли чўчка гүшти олиш учун нархи киммат бўлган ем концентратлар сотиб олиш керак бўлади, у маҳалда фермага жуда арzon тушадиган түякушларни оёк остидаги озиқа (яйлов, ўтлок) ва пичан билан боқиши кифоя этади.

Шундай қилиб, түякуш гүштини етиштиришни таннархи курка гүштини етиштириш таннархидан баланд эмас, лекин курка боқишига караганда, түякуш боқишдан катта фойда олса бўлади.

Түякуш териси



Түякуш терисига азалдан модельерлар (кийимларнинг моделини ишлаб чиқувчи мутахассис) орасида талаб катта бўлиб келган, чунки түякуш териси ошлангандан кейин илон ва тимсоҳ териларидан сифати бўйича озгина юкори туради. Түякуш терисидан жуда юпка, лекин хаддан ташкари мустаҳкам ва эгилувчан чарм (тери) ясалган ва галантереяда сумка, чарм хамён, камар, тасмалар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Бундан ташқари, түякүш териси чармидан жуда пишик кийим ва оёк кийимлар тикилади. Бир бош түякүш терисидан 3 пар сифатли чарм оёк кийими тикиш мумкин.

Түякүш териси юзида ўзига хос оригинал орнаменти (накш) мавжуд. Түякүшнинг ушбу орнаменти зич жойлашган ва тери юзида аник кўринадигани энг кимматбаҳо тери хисобланади.

Түякүш терисига жуда осонлик билан ишлов берилиши билан бошқа терилардан ажралиб туради. Түякүш терисидан тайёрланган буюм факат юмишоқлиги, жуда чидамлиги ва пишиклиги билан ажралиб туради. Бузок терисидан тайёрланган буюм чидамлиги, пишиклиги туфайли 5 йил ўз сифатини йўқотмайди, ундан фарқли ўларок түякүш терисидан бўлган буюм тўлиқ 30 йил ўз юкори сифатини йўқотмайди.

10 ойдан 14 ойгача бўлган түякүшлар териси энг юкори сифатли хисобланади. Худди ана шу ёшда түякүшлар гавдаси катта ёшдаги түякүшлар гавдасига тенглашади ва барча органлари тўлик шаклланган бўлади, лекин шу билан бирга карип жараёни ҳали бошланмаган бўлади. Шунинг учун тери юкори сифатли ва ёш ўтиши туфайли шикастланган, лат еган, бузилган хеч кандай жойлари бўлмайди.

Бундай түякүш териси ҳажми $1,3 \text{ m}^2$ майдонни ташкил этади. Түякүшнинг ошланган (ишлов берилган) териси ҳалкаро бозорда тахминан 450 АҚШ доллари туради. Сўзиз түякүш териси, илон ва тимсоҳ терилари билан бирга энг киммат турувчи терилар тоифасига киради.

Ўз-ўзидан тушунарлики, ушбу маҳсулот асосий истеъмолчиси (харидори) кимматбаҳо тери аксессуарлари ишлаб чиқаришга каратилган енгил саноат корхоналари хисобланади. Түякүш терисига Франция, Италия, АҚШ ва Япония модельерлари томонидан катта кизиқим билдирилади. Худди шу давлатлар түякүш териларини катта ҳажмда импорт килади.

Түякүш патлари

Ҳаммага маълумки, түякүш патлари турли хил модали аксессуарлар ясашда кенг кўлланилади. Лекин түякүш патларидан декоратив йўналишда фойдаланишдан ташқари амалда маҳсус вазифада: ундан айрим механизмларни тозалаш учун маҳсус чўтка ишлаб чиқиласди.

Ёввойи Африка түякүшларининг патлари Европа ва Шимолий Америкада етиштирилган түякүшлар патларидан фарқ қиласди. Қуруқ иклимли худудларда етиштирилган патлар энг сифатли хисобланади. Бундан ташқари түякүш патлари парранданинг қайси кисмida ўстганлигига караб синфларга (клас) бўлинади.

Эркак түякүшлар канотларининг биринчи категорида ок патлари мавжуд. Ҳар бир канотида шундай патлардан 24 дона бўлади. Патлар оклиги, узунлиги ва сифатига караб категорияларга бўлинади.

Ургочи түякүшларда эркак түякүшларининг ок патларига ўхшаш патлари мавжуд. Бундай патлар “феминал” патлар деб номланади. Эркак түякүшлари патлари сингари ургочи түякүшларининг феминал патлари хам категорияларга бўлинади. Факат улар яна ранглар бўйича хам бўлинади: ёркин, нормал, ярим корамтири ва корамтири рангларга.

Кейинги синф – орнамент (накш) патлар. Улар хам канотда жойлашган булади, биринчи категорида, факат орнамент патлари ҳаммаси бўлиб 4 – 5 дона бўлади. Ранги қора-ок тусда бўлиб, факат узунлиги бўйича классификацияланади.

Эркак түякушнинг канотидаги иккинчи ва учинчи категорларда кора патлар мавжуд. Унбу патлар хам узунлиги бўйича бўлинади ва узун, ўрта ва калта деб номланади. Эркак түякушларни мана шу патларининг ургочилардаги аналоги кул рангда бўлади. Улар хам худди шундай классификацияланади.

Канот тагида ва кўкраги атрофида бир категория ишакдек (шойидек) майнин патлар бўлади. Ишак (шойи) патлар эркагида – кора, ургочисида – кул рангла бўлади. Улар хам худди шундай сортларга ажратилади. Эркагининг дум патлари оқ ёки жигар ранг (долчин ранг) бўлади, ургочисида окиш ёки корамтири рангда бўлади. Түякуш дум патлари ранги бўйича синфларга бўлинади.

Түякуш жўжалари, ёш түякушлар патлари, катта ёшдаги түякушларнинг оқ ва феминал патларига тўғри келса хам улар керак микрорда ривожланмаган ҳисобланади.

Түякуш патларининг коммерция нархларини қандай аниқласа бўлади? Бу ерда патларнинг узунлиги, калинлиги, мустахкамлиги, ишакдек майнинлиги, ёрқинлиги, эгилувчанлиги ҳисобга олинади. Пат тикининг эни кенглиги, шу билан бирга унинг пат стволига қайси бурчакда жойлашганлиги катта аҳамиятга эга. Патлар формаси симметрияли, таги тўғри ва учи юмалоқланган бўлса, айникса, кимматбаҳо ҳисобланади.

Түякуш патининг узунлиги 70 см ва энига кенглиги 30 см бўлса, сифатли ҳисобланади.

Коммерция плани бўйича асосий кўрсаткичлардан нафакат юкорида кўрсатилган белгилари олинади, балки патларда турли дефектларнинг ва шикастланган жойларининг йўклиги хам катта рол ўйнайди. Патлардаги чизик дефекти боқишидаги камчилик ёки ичидаги паразитлар мавжудлиги окибати бўлиши мумкин. Ташқаридаги паразитлар хам патлар сифатига катта таъсир ўтказиш мумкин. Бундан ташқари патлар сифатига кушларни бокишидаги нокулай шароитлари: хароратни кескин ўзгариши ва намлини кўтарилиши ва хоказолар.

Түякушчилик маҳсулотлари

Озиқ-овқат ва текстил саноатидан ташқари түякушчилик маҳсулотларига медицина, фармацевтика ва косметологияда хам талаб катта.

Тирик түякушлардан медицина ва фармакологияда янги ишлаб чиқарилган препаратларни синов – текшириш ишларида фойдаланилади.

Асоси түякуш ёғидан таркиб топган ва кучли терапевтик хусусиятига эга бўлган ажойиб косметик препаратлар ишлаб чиқилади. Бундай косметик воситаси терини соғлигини саклайди ва кариш темпини камайтиради.

Чарасын



Хирургияда анчадан бері инсон пайлари жарохатини даволашда түякушлардан донор сифатыда фойдаланилади. Хозирги вактда инсон күзини даволашда түякуш күзининг мугуз пардасини инсонга күчириб ўтказиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Түякуш миясидан сўриб олинган суюклик билан Альшаймер касаллигини ва бошқа акли заиф инсонларни даволашда фойдаланилмоқда. Балки якин келажакда түякуш инсониятга СПИД ва саратонга (рак) қарши дори-дармон ишлаб чикишда асосий омил бўлар, чунки түякуш конини шу соҳа бўйича текширишлар умидли натижаларга олиб келмоқда.

